2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 137 (659), 2022 йил 8 июль, жума

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

## КИМЁ САНОАТИДАГИ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАР БЎЙИЧА АХБОРОТ БЕРИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 7 июль куни кимё саноатида эришилган асосий кўрсаткичлар ва режалаштирилган лойиҳалар тақдимоти билан танишди.**

“Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Ж.Мирзамаҳмудов Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 25 октябрдаги қарори асосида тармоқ диверсификация қилиниб, янги маҳсулотлар ўзлаштирилгани ҳақида ахборот берди. Натижада охирги 3 йилда ишлаб чиқариш 1,5 баравар, экспорт эса 2 баравар ошган.

Асосийси, илгари сурункали зарар билан ишлаган бу тармоқ 2021 йилни 1,6 триллион сўм соф фойда билан якунлаган.

Жорий йилнинг олти ойида жамият корхоналари томонидан қарийб 7 триллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, ишлаб чиқариш 11 фоиз ўсган. 218 миллион долларлик товарлар экспорт қилинган.

Йил якунигача ишлаб чиқаришни 14 триллион сўм, экспортни 425 миллион долларга етказиш режалаштирилган. Бунинг учун иккинчи ярим йилликда 650 минг тонна азотли, 70 минг тонна фосфорли ва 120 минг тонна калийли ўғитлар ҳамда 80 минг тонна поливинилхлорид ишлаб чиқариш мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбари тармоқ корхоналари самарадорлигини ошириш ва уларни трансформация қилиш бўйича тизимли ишлаш кераклигини таъкидлади. Энергияни тежаш ва маҳаллийлаштириш орқали таннархни 6 фоизгача камайтириш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Тақдимотда галдаги истиқболли лойиҳалар ҳақида ҳам маълумот берилди. Қайд этилганидек, йил якунига қадар 400 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилиб, 9 та лойиҳа ишга туширилади. Жумладан, “Навоийазот”да метилцеллюлоза, техник газ, суюқ минерал ўғитлар, Чирчиқ кимё технопаркида кўпикли полипропилен, органик ўғитлар ва полимер маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Президентимиз янги лойиҳаларни фақат хусусий инвестициялар иштирокида амалга ошириш зарурлигини таъкидлади. 5 та кимё кластерида камида 1 миллиард долларлик лойиҳалар портфелини шакллантириш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, акциядорлик жамиятига қарашли корхоналарни хусусийлаштиришни жадаллаштириш бўйича топшириқлар берилди.

**ЎзА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ПАХТА ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШ, ПАХТА ЕТИШТИРИШДА ИЛМ ВА ИННОВАЦИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШНИНГ ҚЎШИМЧА ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**Пахта ҳосилдорлигини ошириш** бўйича **янги тизимни жорий қилиш**, пахта етиштиришда **илм ва инновацияларга асосланган уруғчилик**, **нав танлаш**, **ерга ишлов бериш**, **ўғитлаш**, **суғориш ишларини** йўлга қўйиш орқали пахта-тўқимачилик соҳасида экспорт ҳажмлари ва даромадни ошириш мақсадида:

1. **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Пахтачилик кенгаши** (кейинги ўринларда — Пахтачилик кенгаши) ташкил этилсин ҳамда унинг таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйидагилар **Пахтачилик кенгашининг** асосий вазифалари этиб белгилансин:

ҳар йили ҳудудларда маҳаллий шароитларда яхши ҳосил бераётган навларни таҳлил қилиб, уларнинг **супер элита ва элита уруғларини кўпайтириш** бўйича илмий ташкилот ва уруғчилик корхонасини белгилаш;

ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитларига мос **энг мақбул навларни ҳудудларда кўпайтириш** ва **экиш бўйича** кластерларга топшириқлар (кўрсатмалар, буюртмалар) бериш;

тупроқ унумдорлиги, унинг кимёвий ва биологик хусусиятларининг илмий таҳлили асосида **ҳудудларда қўлланилиши мумкин бўлган кимёвий ва органик ўғитлар бўйича тавсиялар бериш**;

**ғўза касалликлари ва ҳашаротларга қарши курашиш бўйича самарадор препаратларни қўллаш** юзасидан кўрсатмалар ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш;

кластерларга ҳудудлар **тупроқ-иқлим шароитларига мос ғўза навларини экиш ва уруғларини кўпайтириш, тупроқ унумдорлигини ошириш**, минерал ва органик ўғитлардан фойдаланиш ҳамда пахтачиликда сув ва ресурстежамкор технологияларни жорий этиш бўйича кўрсатмалар бериш;

хусусий секторни жалб қилган ҳолда давлат-хусусий ҳамда хусусий уруғчилик кластерларини ташкил этиш ва бу орқали рақобат муҳитини яратиш;

пахтачилик йўналишидаги илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ БОШҚАРИШДА ВА ЙЎНАЛИШСИЗ ТАКСИ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ҚЎШИМЧА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИШ ТЎҒРИСИДА

Автотранспорт воситаларидан фойдаланишда аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш, республикада йўловчи ташиш транспорти тизимини ривожлантириш, ушбу йўналишда кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, ишсизликни қисқартириш ҳамда транспорт хизматлари бозорини ривожлантириш мақсадида:

1. 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб **автотранспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ишончномаларни** Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали **электрон шаклда расмийлаштириш тизими** жорий этилсин.

2. Белгилансинки:

а) электрон шаклда расмийлаштирилган автотранспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ишончномани (кейинги ўринларда — электрон ишончнома) нотариал тасдиқлаш талаб этилмайди;

б) электрон ишончнома расмийлаштирганлик учун давлат божи унинг амал қилиш муддатидан келиб чиққан ҳолда ишончномани нотариал тасдиқлаш учун ўрнатилган давлат божига нисбатан қуйидаги фоизларда ундирилади:

бир ойгача бўлган муддатга — **10 фоиз;**

олти ойгача бўлган муддатга — **50 фоиз;**

уч йилгача бўлган муддатга — **100 фоиз.**

в) электрон ишончнома мавжудлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан мобиль қурилмалар орқали текширилади;

г) электрон шаклда расмийлаштирилмаган автотранспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ишончномаларга нисбатан амалдаги нотариал тасдиқлаш тартиби сақлаб қолинади.

3. Юридик шахсларга тегишли автотранспорт воситаларини бошқараётган шахсларнинг икки йилда бир марта мажбурий малакасини ошириш талаби бекор қилинсин.

4. **2022 йил 1 сентябрдан бошлаб** фуқаролар ва йўловчи ташиш фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган юридик шахслар ўртасида тузиладиган транспорт воситаси ижараси шартномаларини нотариал тасдиқлаш талаби бекор қилинсин ҳамда уларни давлат солиқ хизмати органлари ахборот тизимлари орқали электрон тарзда ҳисобга олиш тизими жорий этилсин.

Давоми 2-бетда

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

## ИНСОННИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ – ДАВЛАТНИНГ ОЛИЙ МАҚСАДИ



**Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган кенг кўламли вазифалар, халқпарвар давлат барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, қадр-қимматини янада самарали таъминлаш каби мақсадлар мамлакатимиздаги туб ислоҳотларга мос янги конституциявий-ҳуқуқий маконни яратиш заруратини юзага келтирмоқда.**

Ўтган даврда жамиятимизнинг сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳаётида туб ўзгаришлар бўлди. Бу эса Бош қонунимизда “Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат” тамойилини мустаҳкамлаш, турли ислоҳотлар жараёнида инсон манфаатлари бош мезон бўлишини таъминлаш, хусусий мулк дахлсизлиги, ерга эгалик ҳуқуқи, фуқаролик жамияти институтлари ўрнини конституциявий даражага кўтариш, давлат ҳокимияти асосларини такомиллаштириш долзарблигини кўрсатмоқда.

Давоми 3-бетда

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

## ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАРДАГИ НУФУЗИМИЗ

### юртимизнинг дунёдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлайди

**Ялпи ички маҳсулот ҳар бир давлатнинг ривожланаётгани ёки ортда қолаётганини белгиловчи асосий мезонлардан биридир. Лекин шундай ботиний индикаторлар ҳам кашф этилдики, улар халқаро ташкилотлар кўмагида ҳар бир давлатнинг ботиний, яъни микрокўрсаткичларини рейтинг ва индексларда баҳолаб келмоқда.**

Мамлакатдаги ислоҳотлар натижасидан халқнинг розилигини ифода қиладиган халқаро рейтинг ва индексларда муваффақиятли иштирок этишни даврнинг ўзи кун тартибига қўйяпти. Шу боис, ЯИМ ижобий кўрсаткичларини юксалтириш билан бирга, дунё ҳамжамиятида микрокўрсаткич соҳалари (ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий) бўйича ҳам эришаётган ютуқларимизни намоён қилиш зарурати туғилди. Мазкур баҳолаш жараёни ва натижаларини ижобий маънода дунё давлатлари ўртасидаги ўзига хос мусобақага қиёслаш мумкин.

Табиий савол келиб чиқади: халқаро рейтинг ва индексларда иштирок этиш ва юқори кўрсаткичларга эришиш бевосита мамлакат учун нима бериши мумкин?

Давоми 5-бетда

МУНОСАБАТ

## ҚУРИЛИШ СОҲАСИ ЗАМОН ШИДДАТИГА МОС РИВОЖЛАНАДИ



Ҳаким Йўлдошев олган сурат.

**Давлатимиз раҳбари раислигида 6 июль куни архитектура, қурилиш ва шаҳарсозлик бўйича устувор вазифаларга бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида кейинги йилларда мамлакатимизда бунёдкорлик ишлари натижасида шаҳару қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб бораётгани, бу одамларга етарли шароит яратаётгани алоҳида қайд этилди. Шу билан бирга, соҳада камчиликлар, олдинда қилиниши зарур бўлган ишлар ҳам йўқ эмас.**

Давоми 2-бетда

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ

## ЎЗИ УЧАР “ҚУШ” ПАРВОЗИ



### Дронлар вақтни тежайди, аниқлик ва самарадорликни оширади

4-бетга қаранг.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# ПАХТА ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШ, ПАХТА ЕТИШТИРИШДА ИЛМ ВА ИННОВАЦИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШНИНГ ҚЎШИМЧА ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

2. Қуйидагилар:

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Пахтачилик кенгашининг Регламенти** 2-иловага мувофиқ;

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Пахтачилик кенгашининг бошқарув гуруҳи таркиби** 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Пахтачилик кенгаши фаолияти йўлга қўйиладиган **13 та туманларда амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси** 4-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Пахтачилик кенгаши фаолияти йўлга қўйиладиган **13 та туманларда амалга ошириладиган пахтачилик йўналишидаги лойиҳалар рўйхати** 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 мартдаги "**Пахта майдонларида тупроқ унумдорлигини ва ҳосилдорликни ошириш, суғоришнинг янги технологияларини жорий этишни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида**"ги ПҚ-179-сон қарорига асосан:

2022-2023 йилларда пахта майдонларида тупроқ унумдорлигини ошириш ва экологик ҳолатни яхшилаш учун **субсидия ажратиш** тажрибаси **синовдан ўтказиладиган 13** та **туманлар рўйхати тасдиқланганлиги**;

2022-2023 йилларда синов тариқасида тупроқ унумдорлиги ва пахта ҳосилдорлигини ошириш, илмий асосланган алмашлаб экишни ва суғоришнинг янги технологияларини жорий этиш учун Давлат бюджети ҳисобидан **ҳар бир гектар майдонга бир миллион сўмдан субсидия ажратилиши** маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки, **Пахтачилик кенгаши ўзига юклатилган вазифаларни дастлаб синов тариқасида** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 мартдаги "Пахта майдонларида тупроқ унумдорлигини ва ҳосилдорликни ошириш, суғоришнинг янги технологияларини жорий этишни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–179-сон қарорига 1-иловада назарда тутилган **13** та **туманларда** амалга оширади.

4. Пахтачилик кенгаши **бир ҳафта муддатда** пахта етиштиришда илм ва инновацияларга асосланган уруғчилик, нав танлаш, ерга ишлов бериш, ўғитлаш, суғориш ишлари ташкил этиладиган **13 та туманларнинг ҳар бири бўйича ишчи гуруҳлари таркибларини** тасдиқласин.

Белгилансинки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ҳамда вилоят ҳокимлари 13 та туманлар ишчи гуруҳлари фаолиятининг самарали ташкил этилишига шахсан жавобгар ҳисобланади.

5. **Пахта ҳосилдорлигини оширишнинг** қуйидагиларни назарда тутувчи **янги тартиби жорий қилинсин**:

а) **туман ишчи гуруҳлари** пахта экилган майдонларда **жойига чиққан ҳолда** таҳлиллар асосида **уруғчилик**, **нав танлаш**, **ерга ишлов бериш**, **биостимуляторларни қўллаш, ўғитлаш**, **ғўза касалликлари ва зараркунандаларига қарши курашиш** ҳамда **самарали суғориш** бўйича ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитига мос таклифларни Пахтачилик кенгаши бошқарув гуруҳига тақдим қилади;

б) **Пахтачилик кенгаши бошқарув гуруҳи** тақдим этилган таклифларни таҳлил қилиб умумлаштирган ҳолда Пахтачилик кенгашига тақдим қилади;

в) **Пахтачилик кенгаши**:

ҳудудда экилган **пахта навларининг ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитларига мос мақбулини танлаш**, шунингдек, **агротехник тадбирларнинг тўғри амалга оширилишини** таъминлаш;

пахта экилган майдонлардаги **тупроқнинг унумдорлигини ошириш** ва самарали ер тайёрлашни ташкил қилиш;

пахта экилган майдонларда **органик ва минерал ўғитларнинг** қўлланилишини яхшилаш;

пахта экилган майдонларда **ғўза касалликлари** ва **зараркунандаларига** қарши курашиш бўйича замонавий технологияларни жорий қилиш;

пахта экилган майдонларда **замонавий биостимуляторларни қўллаш**;

пахта етиштириш жараёнида **самарали суғориш тизимини** ва тежамкор технологияларни жорий қилиш бўйича қарорлар қабул қилади;

г) Пахтачилик кенгашининг унга юклатилган вазифаларга асосан ўз ваколатлари доирасида қабул қилган **қарорлари мажбурий ҳисобланади**;

д) Пахтачилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш бўйича:

Пахтачилик кенгаши раиси (И.Ю.Абдурахмонов) кенгашга юклатилган вазифалар ижроси юзасидан **ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот беради**;

Пахтачилик кенгаши раисига маҳаллий ва хорижий малакали мутахассисларни жалб этиш ваколати берилади;

Пахтачилик кенгаши ва унинг бошқарув гуруҳи аъзоларига ҳамда Пахтачилик кенгаши фаолияти йўлга қўйиладиган **13 та** туманлар ишчи гуруҳлари аъзоларига 6-иловага мувофиқ миқдорларда иш ҳақи тўланади. Бунда тўловлар Инновацион ривожланиш вазирлиги билан тузиладиган меҳнат шартномалари асосида амалга оширилади;

маҳаллий ва хорижий малакали мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш муайян ишни бажариш учун тузиладиган меҳнат шартномаларига асосан мутахассислар билан келишилган миқдорларда амалга оширилади.

6. Инновацион ривожланиш вазирлигига жорий йил якунига қадар "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси (И.Ҳайдаров) **Уюшманинг тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳасини ривожлантириш жамғармаси** ҳисобидан **10 миллиард сўм** ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.Ходжаев) **Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармаси** ҳисобидан **10 миллиард сўм ажратсин**.

Бунда мазкур бандда назарда тутилган маблағлар Пахтачилик кенгаши ва унинг бошқарув гуруҳи аъзолари ҳамда 13 та туманлар ишчи гуруҳлари аъзоларига иш ҳақи тўлаш, шунингдек, Пахтачилик кенгашига **маҳаллий ва хорижий малакали мутахассисларни жалб этиш харажатларини** қоплашга йўналтирилади.

7. **Ушбу қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида**:

а) **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси** ҳамда **вилоятлар ҳокимлари 13 та** туманлар ишчи гуруҳлари фаолиятининг самарали ташкил этилишига кўмаклашсин;

б) **"Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси (И.Ҳайдаров)** Уюшманинг тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳасини ривожлантириш жамғармаси ҳамда **Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.Ходжаев)** Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармаси ҳисобидан мазкур қарорга асосан Инновацион ривожланиш вазирлигига **маблағлар ўтказиб берилишини таъминласин**;

в) Пахтачилик кенгаши раиси И.Ю.Абдурахмонов:

Пахтачилик кенгаши ва унинг бошқарув гуруҳи аъзолари ҳамда 13 та туманлар ишчи гуруҳлари аъзоларига **иш ҳақи ўз вақтида ва тўлиқ миқдорда тўланишини** таъминласин;

**13 та** туманларда **амалга оширилган ижобий натижалар асосида мазкур тажрибани республиканинг бошқа ҳудудларида жорий қилиш чораларини кўрсин**.

8. Давлат активларини бошқариш агентлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмасининг "Пахтасаноат илмий маркази" акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда — Марказ) фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

Марказни Пахтачилик кенгашининг илмий-тадқиқот органи этиб белгилаш;

**Пахтачилик кенгашининг соҳага доир кўрсатма ва тавсияларига асосан** Марказ фаолиятини такомиллаштириб бориш;

Пахтачилик кенгаши раисини Марказ Кузатув кенгаши таркибига киритиш.

Вазирлар Маҳкамаси **бир ой муддатда Марказ фаолиятини ташкил этиш** ва молиялаштириш юзасидан тегишли қарор қабул қилсин.

9. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.Ходжаев), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Хаджаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.Кўчимов) Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов) билан биргаликда **мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифаларининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилиши**ни таъминласин.

10. Инновацион ривожланиш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга **масъул** ва **шахсий жавобгар** этиб инновацион ривожланиш вазири И.Ю.Абдурахмонов, қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А.Ходжаев белгилансин.

Мазкур қарор ижросини **ҳар чоракда** муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари С.Ў.Умурзаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 7 июль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ БОШҚАРИШДА ВА ЙЎНАЛИШСИЗ ТАКСИ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ҚЎШИМЧА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Давлат солиқ қўмитаси **уч ой** муддатда мазкур бандга асосан транспорт воситаси ижараси шартномаларини ҳисобга олиш тизимининг ишга туширилишини ҳамда уни Транспорт вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг маълумотлар базалари билан интеграция қилинишини таъминласин.

5. 2022 йил 1 сентябрдан 2024 йил охирига қадар шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ:

йўловчиларни ҳайдовчидан ташқари тўрттадан ортиқ бўлмаган ўриндиқларга эга бўлган енгил автотранспорт воситаларида ташиш фаолияти ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхатига киритилади;

ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан йўловчиларни енгил автотранспорт воситаларида ташиш фаолияти лицензия варақасига асосан амалга оширилади;

лицензия варақаси беришда автомобилнинг эксплуатация даврига қўйилган талаб бекор қилинади;

йўловчиларни енгил автотранспорт воситаларида ташиш фаолияти билан шуғулланадиган ўзини ўзи банд қилган шахслар (кейинги ўринларда — ўзини ўзи банд қилган ташувчилар) бир йилда бир маротаба транспорт воситасини техник кўрикдан ўтказиши шарт;

ўзини ўзи банд қилган ташувчилар "Uztrans" ахборот тизими базасига киритилган кўп тармоқли поликлиникалар ва хусусий тиббиёт муассасалари орқали **бир йилда бир маротаба** тиббий кўрикдан ўтиши шарт;

йўналишсиз такси фаолияти учун лицензия варақаси берилганлиги учун давлат божи барча турдаги ташувчилардан йилига базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баробари миқдорида ундирилади. Бунда давлат хизматларини кўрсатганлик учун йиғим ундирилмайди;

йўналишсиз такси хизмати фаолиятига рухсат берувчи лицензия варақаларида фаолият ҳудуди акс эттирилади;

ўзини ўзи банд қилган ташувчиларнинг автомобиль транспорти том қисмига "TAXI" таниш белгили тўқсариқ рангли фонарь ўрнатилади;

бошқа соҳаларда меҳнат шартномасига асосан банд бўлган шахслар бир вақтнинг ўзида йўловчиларни енгил автотранспорт воситаларида ташиш фаолияти билан ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтган ҳолда шуғулланишлари мумкин.

6. Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Кудбиев) Транспорт вазирлиги билан биргаликда **уч ой муддатда** йўловчиларни енгил автотранспорт воситаларида ташувчи ва уларга мижозларни излаш бўйича интерактив хизматларни кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари томонидан йўловчи ташишга доир қонунчилик талаблари бажарилишини назорат қилиш механизмларини назарда тутувчи низом лойиҳасини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Транспорт вазирлиги (И.Маҳкамов):

**уч ой муддатда** Адлия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда техник ва тиббий кўрик, суғурта полиси ва лицензия варақаларини расмийлаштириш жараёнларини соддалаштириш мақсадида "Uztrans" ахборот тизимини такомиллаштириш, "Лицензия" ва бошқа ахборот тизимлари билан идоралараро интеграциясини кенгайтириш бўйича амалий чоралар кўрсин;

**икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 7 июль

## МУНОСАБАТ

# ҚУРИЛИШ СОҲАСИ ЗАМОН ШИДДАТИГА МОС РИВОЖЛАНАДИ

Бошланиши 1-бетда

Видеоселектор йиғилишида тегишли вазирлик ҳамда идоралар зиммасига юклатилган вазифалар юзасидан мутасаддилар фикрлари билан қизиқдик.

**Шукрулло ЖАҲОНГИРОВ, қурилиш вазири ўринбосари:**



— Видеоселектор йиғилиши соҳамиз учун янги ислоҳотларга йўл очиб берди, десак муболаға бўлмайди. Чунки бундай янгиликлар жуда зарур эди. Қайд этилганидек, бизда архитектура соҳаси анча орқада қолиб кетганди. Сабаби соҳа мутахассисларининг кўпчилиги хусусий уй-жойни лойиҳалаш билан шуғулланаётган, яна бир қисми хориж давлатларига чиқиб кетган, бошқалари фақатгина билим бериш билан машғул бўлиб қолган эди.

Бугунги кунда юртимизда қурилиш-бунёдкорлик ишлари тобора кенгайиб бормоқда. Бу, табиийки, билимли, тажрибали лойиҳачилар, архитекторларни талаб этадиган жараён. Шунинг учун қурилиш соҳасига янги, инновацион маҳсулотларни жалб этиш тақозо этилмоқда. Буни Президентимиз видеоселектор йиғилишида бир неча бор таъкидлади.

Йиғилишда Қурилиш вазирлигида Бош архитектор лавозими жорий қилиниб, унга вазирнинг биринчи ўринбосари мақоми берилиши қайд этилгани соҳа нечоғлик эътиборталаб эканидан далолат беради.

Вилоятларда лойиҳа офислари очилиб, уларга ҳокимнинг биринчи ўринбосари ва вилоят Бош архитектори масъул бўлиши ҳамда туман ва шаҳарлар қурилиш бўлимига ҳам архитектор раҳбарлик қилиши соҳада ишлар тизимли ва тартиб билан олиб борилиши зарурлигини кўрсатади. Бу нима беради? Масалан, бизга хорижий инвестор ёки тадбиркор келадиган бўлса, биринчи навбатда, ҳудуднинг бош режасини сўрашади. Шу боис, бош режа керак. Унда ҳудудларнинг ўзига хос ривожланиш босқичлари, шароити каби омилларни қамраган схема ишлаб чиқилади. Шундан келиб чиқиб, бу борада Жаҳон банки ва бошқа хорижий ташкилотлар билан амалий ҳамкорликка киришилмоқда. Хусусан, яқинда соҳага алоқадор ташкилот ва муассасалардан 18 нафар мутахассис Нидерландияга тажриба алмашиш учун юборилди.

Яна бир жиҳат, ҳозирги кунга қадар вазирликка қарашли ёки хусусий лойиҳа институтлари фаолият юритиши учун аниқ бир тизим йўқ эди. Бунинг ечими ҳам йиғилишда айтилди: бундан буёғига Қурилиш вазирлиги қайсидир ҳудудда бинони қандай жойлаштириш билан эмас, аниқ режалар ҳамда ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

Давлатимиз раҳбари шаҳарсозлик қоидаларини такомиллаштириш ҳамда халқаро меъёрларга мослаштириш зарурлигини ҳам таъкидлади. Жумладан, халқаро стандартлар асосида тайёрланган лойиҳаларга техник кенгаш хулосасини олиш тартиби бекор қилинади, хорижда экспертизадан ўтказилган лойиҳалар тўғридан-тўғри тан олинади.

**Саидаҳмад БАҲОДИРОВ, Қурилиш вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари:**

— Сўнгги пайтларда мамлакатимиздаги қурилиш қанчалик жадал тус олаётгани жойларда қад ростлаётган ижтимоий объектлар, турар жойлар, янгидан-янги мавзелар мисолида кўриш мумкин. Булар, ўз навбатида, бунёдкорлик ишларини янада пишиқ-пухта, стандартларга мос тарзда олиб боришни талаб қилади.

Президентимиз раислигида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида айтилган фикрлар, белгиланган вазифалар ана шундай ишларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Жумладан, йиғилишда лойиҳаларни тайёрлаш муддатини камайтириш мақсадида "Шаффоф қурилиш" дастурида электрон каталог яратилиб, ижтимоий объектларнинг намунавий лойиҳалари жойлаштириб борилиши ва ундан барча буюртмачилар ва лойиҳа-пудрат ташкилотлари эркин фойдаланиши мумкинлиги таъкидланди.

Умуман, бугун лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш электрон тизимга ўтказилган. Яъни экспертиза органларига қоғоз ҳужжатлар тўпламини тақдим этиш амалиётидан тўлиқ воз кечилган. Ушбу тизим орқали ҳозиргача 45 мингдан ортиқ объект лойиҳаси экспертизадан ўтказилиши натижасида 11 триллион сўмдан ортиқ маблағ тежаб қолингани эътиборга молик.

> **"ШАФФОФ ҚУРИЛИШ" ДАСТУРИДА ЭКСПЕРТИЗА ХУЛОСАЛАРИНИНГ ЯГОНА РЕЕСТРИ ЯРАТИЛДИ. БУ ПИРОВАРДИДА, ОБЪЕКТЛАРНИНГ ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИ ВА ЭКСПЕРТИЗА ХУЛОСАЛАРИ ЭЛЕКТРОН БАЗАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ИМКОН ЯРАТДИ.**



Бундан ташқари, "Шаффоф қурилиш" дастурида экспертиза хулосаларининг ягона реестри яратилди. Бу пировардида, объектларнинг лойиҳа ҳужжатлари ва экспертиза хулосалари электрон базасини шакллантиришга имкон яратди.

Қурилиш — ноёб соҳа, шу билан бирга, ўта масъулиятли ҳам. Иморатнинг мустаҳкамлиги оддий одамга аҳамиятсиздек туюлган жиҳатларга боғлиқ. Айтиш мумкин бўлса, видеоселектор йиғилишида соҳанинг ҳар бир йўналиши чуқур таҳлил қилинди. Тармоқни замон шиддатига мос ривожлантириш омиллари айтилди. Бу ишлар келгусида самара беради, албатта.

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

# ИНСОННИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ – ДАВЛАТНИНГ ОЛИЙ МАҚСАДИ



**Жаҳонгир ШИРИНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси**

Бошланиши 1-бетда

Шу нуқтаи назардан, аҳоли фикр ва таклифларини қабул қилиш тизимли йўлга қўйилди. Натижада юртимиздаги конституциявий ислоҳотларда нафақат олимлар, ҳуқуқшунослар, мутахассислар, балки оддий фуқаролар ҳам бевосита иштирок этмоқда. Билдирилган таклифлар таҳлили халқимизнинг кенг кўламли ўзгаришларга бефарқ эмаслигини, фуқаролар ислоҳотларнинг фаол иштирокчиси бўлишга интилаётганини кўрсатмоқда.

Халқимиз, шунингдек, давлатимиз раҳбарининг “инсоннинг қадр-қиммати, шаъни ва ғурури бундан буён барча соҳаларда биринчи ўринда туриши керак”лиги тамойилларига асосланиб берилган таклифларидан келиб чиқиб, “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги конституциявий қонун лойиҳаси тайёрланди.

Конституциявий қонун лойиҳасида Бош қонунимизнинг 64 та моддасига 200 дан ортиқ ўзгартиш киритиш таклиф этилмоқда. Бундан ташқари, 6 та янги модда билан 16 та янги норма киритилмоқда. Конституцияга ўзгартишлар “инсон — жамият — давлат” принципига асосланган бўлиб, миллий конституциявий ўзликни акс эттиради ва амалдаги Конституциянинг барча бўлимларига туб ўзгартишлар киритишни назарда тутади. Конституциявий тузатишлар, аввало, жамиятнинг турли ижтимоий қатламларига мансуб фуқароларнинг шахсий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва экологик ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини таъминлашга, ҳимоя қилишга қаратилган тўғридан-тўғри ишлайдиган нормаларга айланади. Қонун лойиҳасида Ўзбекистон ҳуқуқий, ижтимоий, дунёвий демократик давлатлиги, “инсон ҳамда фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсади” экани белгиланмоқда.

Ўзгартиш ва қўшимчалар, аввало, “Инсон қадри учун” тамойилини рўёбга чиқаришга қаратилган бўлиб, **биринчидан,** фуқароларнинг меҳнат, ижтимоий ва экологик ҳуқуқларини, жумладан, эҳтиёжманд қатламлар ҳуқуқларини конституциявий жиҳатдан кафолатлашни кучайтиради. Ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан турли чекловлар ўрнатиш, шунингдек, уларнинг объектлар ва хизматлардан фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратишдан бўйин товлаш тақиқланмоқда.

Давлат ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларнинг ҳаёти сифатини оширишга, уларга жамият ҳаётида бошқа фуқаролар билан тенг равишда иштирок этиши учун шароитлар яратишга ҳамда ўзининг ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда таъминлаш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар кўриши белгиланмоқда. Ижтимоий хизматлар тизимини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиши, пенсиялар, нафақалар ва ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг бошқа турларини тайинлаши мустаҳкамланмоқда. Энг муҳими, пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг бошқа турлари расман белгиланган энг кам истеъмол харажатларидан кам бўлиши мумкин эмаслиги аниқ кўрсатилмоқда.

**Иккинчидан,** тузатишлар оила институтини мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, бунда никоҳ аёллар ҳамда эркакларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланиши, давлат оилани тўлақонли ривожлантириш учун зарур ижтимоий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратиши, кўп болали оилаларга имтиёзлар ҳамда ижтимоий кафолатлар берилишини таъминлаши, шунингдек, бола манфаатлари, жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун барча шарт-шароитларни яратиш давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналиши экани конституциявий мустаҳкамланмоқда.

**Учинчидан,** фуқароларнинг малакали тиббий хизмат кўрсатилишига, соғлом табиий муҳитга бўлган ҳуқуқларини таъминлашнинг конституциявий механизмлари кучайтирилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тиббий ёрдам кўрсатишнинг қонунда белгиланган кафолатланган ҳажмини бепул олишга ҳақли экани

> КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИДА БОШ ҚОНУНИМИЗНИНГ 64 ТА МОДДАСИГА 200 ДАН ОРТИҚ ЎЗГАРТИШ КИРИТИШ ТАКЛИФ ЭТИЛМОҚДА. БУНДАН ТАШҚАРИ, 6 ТА ЯНГИ МОДДА БИЛАН 16 ТА ЯНГИ НОРМА КИРИТИЛМОҚДА. КОНСТИТУЦИЯГА ЎЗГАРТИШЛАР “ИНСОН — ЖАМИЯТ — ДАВЛАТ” ПРИНЦИПИГА АСОСЛАНГАН БЎЛИБ, МИЛЛИЙ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ЎЗЛИКНИ АКС ЭТТИРАДИ ВА АМАЛДАГИ КОНСТИТУЦИЯНИНГ БАРЧА БЎЛИМЛАРИГА ТУБ ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШНИ НАЗАРДА ТУТАДИ.

қатъий ўрнатилмоқда. Давлат соғлиқни сақлашнинг давлат, хусусий ва бошқа тизимларини ривожлантириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўриши, санитария-эпидемиологик осойишталикни кафолатлаши, тиббий суғуртанинг турли шаклларини ривожлантириш учун имкониятлар яратиши белгиланиб, Оролбўйининг экологик тизимини муҳофаза қилиш ва тиклаш, уни ижтимоий, иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриши назарда тутилмоқда.

**Тўртинчидан,** таълимни, илм-фанни, миллатни ва, жумладан, ёшларни маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг аниқ конституциявий кафолатлари кўзланган. Хусусан, давлат мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантиришга кўмаклашиши, ҳар бир боланинг умумий ўрта таълимга доир йиллик тайёргарликдан ўтишга бўлган ҳуқуқи кафолатланмоқда. Давлат бепул умумий ўрта таълимни, шунингдек, танлов асосида давлат таълим ташкилотларида бепул олий маълумот олиш ҳуқуқини мустаҳкамлаб, алоҳида эҳтиёжларга ва индивидуал имкониятларга эга болалар учун инклюзив таълим ва тарбияни ташкил этиш белгиланмоқда.

Шу билан бирга, давлат иқтидорли ёшларнинг моддий аҳволидан қатъи назар, таълим олиш давом эттирилишини кафолатлаб, таълим муассасалари ва ташкилотларининг хусусий ва бошқа шаклларини ривожлантириш учун тенг шароитлар яратиши назарда тутилмоқда.

**Бешинчидан,** педагог ходимлар мақомини ҳар томонлама мустаҳкамлаш жамият ва давлатнинг энг муҳим вазифаси деб эътироф этилиши, педагог ходимларнинг ҳуқуқлари, шаъни ва обрў-эътибори давлат ҳимоясида экани конституциявий кафолатланмоқда. Ўз навбатида, педагог ходимларнинг касбий фаолиятига аралашишга, уларнинг хизмат мажбуриятларини бажаришига монелик қилишга йўл қўйилмаслиги қатъий белгиланмоқда.

**Олтинчидан,** Конституцияга ўзгартишлар киритиш борасида фуқароларимиздан келиб тушган энг кўп таклифлар айнан инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашни кучайтиришга қаратилгани билан алоҳида аҳамият касб этди. Ўз навбатида, лойиҳа билан Конституциямизнинг мазкур масалага бағишланган нормалари ҳам тубдан такомиллаштирилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси тақиқланади, деган норма киритилмоқда.

Ушлаб туришга, ҳибсга олишга ва ҳибсда сақлашга ёки эркинликни бошқача тарзда чеклашга фақат суднинг қарорига биноан йўл қўйилиши, суднинг қарорисиз шахс 48 соатдан кўп муддатга ушлаб турилиши мумкин эмаслиги акс эттирилмоқда.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмаслиги ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкинлиги белгиланиб, ушлаб турилиши чоғида шахсга ўзига тушунарли тилда ҳуқуқлари ва унинг ушлаб турилиши асослари тушунтирилиши кераклиги мустаҳкамланмоқда.

Конституциявий қонун лойиҳасида ўз аксини топган яна бир янгилик — заҳматкаш халқимизнинг кўп йиллар давомида бошига тушган ташвиш, яъни заррача айби бўлмаган шахсга айбдор сифатида қараш каби собиқ тузумдан қолган сарқитлардан холи этишга қаратилган, десак муболаға эмас. Яъни Конституция билан “шахснинг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлмаслиги” белгиланмоқда.

Конституцияда ҳар ким интернет тармоғига кириш ва ундан эркин фойдаланиш ҳуқуқига эгалиги, шахсга доир маълумотларнинг ҳимоя қилиниши ҳам кафолатланмоқда. Ҳар ким уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқига эгалиги, суднинг қарорисиз уй-жойдан маҳрум этилишга йўл қўйилмаслиги қатъий ўрнатилмоқда.

Конституциямизга “ҳар бир инсон ўз шахсини эркин ривожлантириш, қонун билан тақиқланмаган ҳамда бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузмайдиган бўлса, ҳар қандай ҳаракатни амалга ошириш ҳуқуқига эга”, деган инқилобий қоида киритилмоқда. Бундай қоида бугунги кунда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи тузилмалар, амалиётчилар орасидаги низоларга, олимлар ўртасидаги турли баҳсларга ҳам оқилона ечим бўлиши шубҳасиз.

**Еттинчидан,** миллий қадриятлар ва анъаналарни сақлашга, жамиятнинг тарихий, ижтимоий-иқтисодий асосларини, халқ бирлигини мустаҳкамлашга оид ўзгаришлар назарда тутилмоқда. Жумладан, қонун лойиҳасида давлат ва жамият миллий қадриятларни ҳимоя қилиш, Ўзбекистон халқи маънавий ва маданий мероси узлуксизлигини таъминлаш, болаларда ҳамда ёшларда миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқликни, буюк аждодларимизнинг бой маънавий меросидан фахрланиш туйғусини шакллантириш тўғрисида ғамхўрлик қилиши мустаҳкамланмоқда.



> ХАЛҚИМИЗ, ЖАМОАТЧИЛИГИМИЗ ТОМОНИДАН УЗОҚ ЙИЛЛАР КУТИЛГАН МАСАЛА, ЯЪНИ ҲОКИМЛАР БИР ВАҚТНИНГ ЎЗИДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШЛАРИГА РАҲБАРЛИК ҚИЛИШИ ҲАҚИДАГИ НОРМА ЧИҚАРИБ ТАШЛАНМОҚДА, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШИНИНГ ВА ҲОКИМЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ АЛОҲИДА МУСТАҲКАМЛАБ ҚЎЙИЛМОҚДА.

Конституциямизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришга бўлган ҳуқуқининг мазмун-моҳияти аниқ очиб берилмоқда. Масалан, фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга эга бўлган масалаларни ўз манфаатларидан, ривожланишнинг ўзига хос тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одат ҳамда анъаналардан келиб чиққан ҳолда, мустақил равишда ва қонун доирасида ҳал этиш ҳуқуқи ҳамда уни амалга ошириш салоҳияти фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши деб эътироф этилиши белгиланмоқда.

**Саккизинчидан,** Конституцияга тузатишлар фуқароларнинг иқтисодий ҳуқуқларини, хусусий мулкчиликни, иқтисодий фаолиятнинг эркинлигини ҳимоя қилишга қаратилгани билан алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада давлат тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик ва инвестициявий муҳитни, шарт-шароитларни таъминлаши, иқтисодий фаолиятда инсофсиз рақобатга, монополлаштиришга йўл қўйилмаслиги назарда тутилмоқда.

Товарлар, хизматлар, ишчи кучи ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатланиши кафолатланиб, ер қонунда назарда тутилган шартлар асосида ва тартибда хусусий мулк бўлиши мумкинлиги мустаҳкамланмоқда. Асосийси, давлат бюджетини шакллантириш ҳамда ижро этиш тартиб-таомиллари очиқлиги, унинг устидан жамоатчилик назорати амалга оширилиши белгиланмоқда.

**Тўққизинчидан,** фуқаро ва давлатнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан ўзаро боғлиқлиги кучайтирилмоқда. Хусусан, ҳар ким республикадан ташқарига чиқиш, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ўзбекистонга монеликсиз қайтиш ҳуқуқига эга экани кўрсатилмоқда. Ўз навбатида, Ўзбекистан Республикаси фуқароси Ўзбекистондан ташқарига чиқариб юборилиши ёки бошқа давлатга берилиши мумкин эмаслиги кафолатланмоқда.

Конституциямизга киритилаётган II йўналишдаги тузатишлар давлат ҳокимияти асосларини янада такомиллаштиришга, парламент ваколатларини кучайтиришга, фуқароларнинг қонунчилик жараёнидаги фаол иштирокини таъминлашга қаратилган. Масалан:

— халқимиз, жамоатчилигимиз томонидан узоқ йиллар кутилган масала, яъни ҳокимлар бир вақтнинг ўзида халқ депутатлари кенгашларига раҳбарлик қилиши ҳақидаги норма чиқариб ташланмоқда, халқ депутатлари кенгашининг ва ҳокимларнинг ваколатлари алоҳида мустаҳкамлаб қўйилмоқда;

— парламентнинг Ўзбекистон Республикасида коррупцияга карши курашиш тўғрисидаги ҳар йилги миллий маърузани кўриб чиқиш ваколати Конституция даражасида мустаҳкамланмоқда;

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ҳисоб палатаси раисини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш бўйича ваколатларини Сенатга ўтказиш назарда тутилмоқда;

— Коррупцияга қарши курашиш агентлиги раҳбарини тайинлаш тўғрисидаги фармонни Сенат томонидан тасдиқлаш тартиби Конституцияда белгиланмоқда;

Шу ўринда Конституциямизнинг 127-моддасига киритилаётган қўшимчага тўхталиб ўтсак. Унда Конституциямизнинг жамият ва давлат ҳаётининг фундаментал асосини белгилаб берувчи 1-моддаси қоидалари қайта кўриб чиқилиши мумкин эмаслиги белгиланмоқда. Яъни энди “Ўзбекистон — суверен республика, ҳуқуқий, ижтимоий, дунёвий, демократик давлат. Давлатнинг “Ўзбекистон Республикаси” ва “Ўзбекистон” деган номлари бир маънони англатади”, деган қоида ўзгармайди!

Мамлакатимизда конституциявий ислоҳотлар жараёни қизғин паллага кирди. Бугунги кунга қадар конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан аҳоли ва фуқаролик жамияти институтларидан жами 65 мингдан зиёд таклиф келиб тушган. Билдирилаётган фикр-мулоҳазаларда мамлакатимизда конституциявий ислоҳотлар ўз вақтида бўлаётгани таъкидланиб, Президентимизнинг Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда илгари сурган таклифлари ва ғоялари кенг жамоатчилик томонидан якдиллик билан қўллаб-қувватланмоқда.

Конституциявий қонун лойиҳаси муҳокамаларида фуқароларнинг фаоллиги кучаяётгани, келиб тушаётган таклифлар сони тобора ошаётгани умумхалқ муҳокамаси муддатини узайтириш заруратини юзага келтирди. Шундан келиб чиқиб, Қонунчилик палатаси “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги конституциявий қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасининг муддатини 2022 йил 15 июлгача узайтириш ҳақида қарор қабул қилди. Унинг натижаларига кўра, конституциявий қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси референдумига қўйилади.

Бугун минглаб фуқароларимиз, нуроний ва ёшларимиз, турли миллат вакиллари, ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари, тадбиркорлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, умуман, жонажон Ўзбекистонимиз тақдирига бефарқ бўлмаган барча юртдошларимиз ўз таклифларини юбормоқда. Зотан, юрт келажаги ва Ватанимиз тақдири сиз ва бизнинг мазкур жараёндаги фаол иштирокимизга боғлиқ.

ИННОВАЦИОН ЕЧИМЛАР

# “SMART WATER” — СУВНИ ЎЛЧАШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШНИНГ ЭНГ САМАРАЛИ УСУЛИ

**Элмурод СОБИРОВ,**
**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув муаммолари илмий-тадқиқот маркази лаборатория муҳандиси**

**Бугун жаҳон ҳамжамиятини ўйлантираётган муаммолардан бири сув билан боғлиқ. Турли экологик ҳолатлар, иқлим ўзгариши каби омиллар сифатли обиҳаёт қадрини янада оширмоқда. Хусусан, қишлоқ хўжалигининг чучук сувга талаби дунё бўйича 70 фоизни ташкил қилади. Бу талабни қондириш эса озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва экинлардан юқори ҳосил олишни кафолатлайди. Аксинча, сув ресурсларидан нотўғри фойдаланиш, исрофгарчиликка йўл қўйиш ҳосилдорлик камайиб кетишига ёки экинлар нобуд бўлишига олиб келади. Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш учун эса тармоқда замонавий ишланмалар, электрон қурилмалар ёрдамида қишлоқ хўжалигида ишлатилаётган сув миқдорини доимий ва аниқ мониторинг қилиш муҳим аҳамият касб этади.**

Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясида ушбу йўналишдаги ишларга алоҳида урғу берилган. Қолаверса, глобал иқлим ўзгариши, аҳоли сони ва иқтисодиёт тармоқлари ўсиши, уларнинг сувга талаби йил сайин ошиб бориши туфайли сув ресурслари тақчиллиги йилдан-йилга кучайиб бормоқдаки, бу ҳам масалага янада масъулият билан ёндашишни талаб қилади. Шулардан келиб чиқиб, концепцияда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, обиҳаётнинг ҳисобини юритишда “Smart Water” (“Ақлли сув”) ва шу каби рақамли технологияларни қўллаш, экинни етиштиришда сув тежовчи технологиялар жорий қилинишини кенгайтиришни рағбатлантириб бориш, суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини оширишга кўмаклашиш, тупроқнинг шўрланиш даражасини пасайтириш ва унинг олдини олиш бўйича самарали технологияларни қўллаш сингари кўплаб вазифалар белгилаб берилган.

Булардан кутилаётган натижалар ҳам салмоқли. Хусусан, суғориш тизимларининг фойдали иш коэффициентини 0,63 дан 0,73 гача ошириш, сув таъминоти паст даражада бўлган суғориладиган майдонларни 560 минг гектардан 190 минг гектаргача, шўрланган ерни 226 минг гектарга қисқартириш мўлжалланган. Шунингдек, Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги насос станцияларининг йиллик электр энергияси истеъмоли 25 фоиз камайтирилиб, барча ирригация тизими объектларига “Smart Water” сув ўлчаш ва назорат қилиш қурилмалари ўрнатилади. 100 та йирик сув хўжалиги объектида бошқариш жараёнлари автоматлаштирилади, тежамкор технологиялар билан қамраб олинган ерларнинг умумий майдони 2 миллион гектарга етказилади.

Шулардан келиб чиқиб, Хоразм вилояти шароитида суғориш суви ҳажмини мониторинг қилиш мақсадида Хонқа туманидаги Амударё ирригация каналлари бошқармасига қарашли Куловот канали 53-сув ўлчаш постида марказимиз томонидан ишлаб чиқилган сув сатҳи ва сарфини ўлчаш ускунасини синовдан ўтказдик. Синов майдони сифатида ушбу ҳудуд бежиз танланмади. Чунки Хоразмда деҳқончилик тўлиқ суғориш орқали амалга оширилади. Лалми ер йўқ. Шунингдек, воҳада сув захиралари ҳар йили бир хил бўлмайди. Вилоятда сувга талаби ҳар хил бўлган ғўза, шоли, буғдой каби экинлар кўпроқ экилади. Бу омил ҳам сувни мониторинг қилиш нечоғлик муҳимлигини англатади. Агар сувга талабчан экинлар муайян ҳудудда, кам сув ичадиган экинлар бошқа ҳудудда экилганда, уларни суғоришга сарфланаётган сув миқдорини мониторинг қилиш бирмунча осон бўлар эди.

Суғориш сувлари қатъий назорат қилинмаса, сув кўп бўлган йилларда чучук сув захсувга қўшилиб кетиши эҳтимоли юқори. Шунинг учун ҳар бир суғориш тармоғида мавжуд сув миқдорини доимий назорат қилиб туриш зарур. Бу жараён анъанавий усуллар ёрдамида амалга оширилиши ҳосил таннархи ортиши ва бу жараёнга катта миқдорда ишчи кучи сарфланишига олиб келади. Суғориш тармоқларидаги сув миқдори ўзгариб боришини доимий мониторинг қилишда электрон қурилмалардан фойдаланиш аниқ маълумотлар олиш ва сувни тежаш имкониятини яратади. Бунинг учун суғориш тармоқларидаги сув миқдорининг оқим давомида сарфланиши натижасида камайиб бориши, каналнинг охиригача қанча сув бораётганини ўрганишда ультратовуш узаткич (датчик)ларидан фойдаланилди. Бунда датчиклар каналнинг ўртасига, сувдан баландга жойлаштирилади. Натижада сув сатҳи ўртасидаги масофа аниқланиб, каналдаги сув миқдори қанчалик камаяётгани тўғрисида хулоса чиқарилади. Узаткичлар ўлчаган маълумотлар тўғридан-тўғри интернет серверига жўнатилади. Маълумотлар орқали эса ҳар бир суғориш тармоғидаги сув миқдори ва уларда сув чиқариш насослари ишлатиш мумкинлиги ёки бунинг учун етарли даражада сув мавжуд эмаслигини аниқлаб олиш мумкин.

Ушбу электрон ускуна ихчамлиги, дастури ўзбек тилида экани, диспетчерлик хизмати, мониторинг хусусиятлари ва арзонлиги билан ажралиб туради. Шу сабабли кейинчалик вилоятга ушбу қурилмадан 172 та ўрнатиб, хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш бўйича келишувга эришилди.

Сувни мониторинг қилиш қурилмалари бугун нафақат Хоразм вилояти, балки бошқа ҳудудлар учун ҳам зарур. Бунда сув ўлчаш ва назорат қилиш қурилмалари, умуман, рақамли технологиялардан фойдаланиш яхши самара беради.



РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ

**Ҳозирги кунда учувчисиз учиш аппаратлари асосан 4 гуруҳ — мультикоптер, самолёт, вертолёт, гибрид турдаги қурилмаларга ажратилади. Буларнинг ҳар бири яна алоҳида турларга бўлинади. Вазифалари деярли ўхшаш бўлса-да, ҳажм, дизайн жиҳатдан бир-биридан фарқланади.**

# ЎЗИ УЧАР “ҚУШ” ПАРВОЗИ

## Дронлар вақтни тежайди, аниқлик ва самарадорликни оширади

**Бир қурилма ўрнини янгиси эгаллаб, мавжуд технологияларнинг такомиллашиб бориши тараққиётнинг бир кўринишидир. Айниқса, илм-фан, техника ривожида бу жараён яққол кўзга ташланмоқда. Бир пайтлар машинани ихтиро қилиб, одамларни ҳайратга солган олимлар бугун учувчисиз учиш аппаратларини яратишга ҳам эришди. Дронлар номи билан машҳур бундай қурилмалардан ҳозирги кунда барча соҳаларда кенг фойдаланилмоқда.**



**Абдушукур АБДУЛЛАЕВ, “Геоинновация маркази” ДУК директори**

Юртимизда учувчисиз, яъни масофадан бошқариладиган учиш аппаратларидан фойдаланиш 2014 йиллардан бошланган. Аммо уларнинг мамлакатимизга фаол кириб келиши 2016 йилга тўғри келади. Ўша йили 31 августда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган низом билан ушбу турдаги қурилмалардан фойдаланиш ва рўйхатдан ўтиш қоидалари белгиланди.

Учувчисиз учиш аппаратларининг тарқалишини дунёда жадал кечаётган рақамлаштириш жараёнининг бир қисми дейиш мумкин. Бундай қурилмалар турли соҳаларда маълумотларни масофадан туриб олиш, таҳлил қилиш ва қайд этиб боришни таъминлайди.

Ўзбекистонда рақамли иқтисодиёт ривожи охирги йилларда сезиларли тарзда жадаллашди. Президентимиз ташаббуси билан иқтисодиётнинг барча соҳаларини илғор технологиялар асосида янгилаш белгилаб берилганида, бунинг қамровини кўпчилик етарлича тасаввур қила олмагани рост. Аммо давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 5 октябрдаги фармони билан “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегияси ҳаётга татбиқ этилгач, бу борадаги катта ўзгаришлар дарҳол кўзга ташлана бошлади.

Қолаверса, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида рақамли иқтисодиётни асосий драйвер соҳага айлантириб, унинг ҳажмини камида 2,5 баравар ошириш белгиланган.

### Ишни бир неча баробар тезлаштиради

Учувчисиз учиш аппаратлари рақамли технологияларнинг энг замонавийларидан ҳисобланади. Аслида бундай қурилмалар кенг қамровли бўлиб, бир қанча турлари бор, аммо улар орасида энг машҳури дронлар. Ақлли технологиялар ва такомиллаштирилган электр энергияси тизимларининг ривожланиши дронлардан ҳам истеъмолчилар орасида, ҳам умумий авиация фаолиятида бирдек фойдаланилишига олиб келди.

Бугун дунёда дронлар кириб бормаган соҳа қолмади ҳисоб. Элтиб бериш хизматидан тортиб йирик саноат корхоналаридаги мураккаб вазифаларгача, барида учувчисиз учиш аппаратларидан фойдаланилади. Юртимизда бу қурилма қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам оммалашиб боряпти. Экинлар ҳолатини текшириб туриш, зарур дори воситаларини ерга сепиш ва бошқа жараёнларда улар асқатмоқда. Қишлоқ хўжалиги ерларида, асосан, октокоптер дронлар қўлланилади. Улар ёрдамида ерни ўғитлаш ёки дорилашнинг самарадорлиги юқори бўлиб, дала майдони ва маҳсулотга зиён етмайди. Экология ва инсон саломатлиги учун ҳам зарарсиз.



Ўтган йили юртимизда илк бор қишлоқ хўжалиги фаолиятини замонавий дрон технологиялари асосида рақамлаштириш илмий-амалий лойиҳаси бошланган эди. Жараёнда турли ҳудудларда тажриба-синов муваффақиятли ўтказилди. Синов давомида бир дона дрон қурилмаси белгиланган майдонларда кузатувни 6 дақиқада якунлагани қурилманинг қанчалик тезкор эканини кўрсатади.

Илмий-амалий лойиҳа доирасида дрон технологиялари орқали қишлоқ хўжалигида мавжуд муаммолар ўрганилиб, уларни бартараф этиш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилмоқда, шудгор қилинган ерлардаги тупроқнинг унумдорлиги, ғалла майдонлари, боғдорчиликда мавжуд турли касалликлар, зараркунанда ҳашаротлар аниқланиб, улар тўғрисида маълумотлар базаси яратилди. Яна бир аҳамиятли жиҳати, дронлар орқали олинган ва қайд қилинган амалий маълумотлар компьютер дастурлари ёрдамида қайта ишланиб, улар асосида зарур ечимлар қабул қилинади.

Қишлоқ хўжалигида дронлардан фойдаланиш тажрибаси биз учун янгилик, дейиш мумкин. Одатда дала майдонлари ҳолатини кузатиш ва мониторинг қилиш ишларига бир неча киши жалб қилиниб, жараёнлар кунлаб давом этади. Бу вазифаларни дронлар ёрдамида амалга ошириш орқали эса вақт ва ишчи кучи тежаб қолинади.

Аммо дронлардан фойдаланишнинг ҳам ўз тартиб ва талаблари мавжуд. 2018 йилда Президентимиз қарори билан ташкил этилган “Геоинновация маркази” ДУК бу борада тегишли ишларни амалга ошириб келмоқда. Ташкилотнинг вазифалари қаторига иқтисодиёт тармоқларида учувчисиз учиш қурилмаларини қўллаш ва улардан фойдаланиш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқиш, улар орқали олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва қайта ишлаш, шундай қурилмалар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш кабилар киради. Бу ташкилот олдида дронларни ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва тармоқларда улардан фойдаланишни оммалаштириш вазифаси турибди, дегани.

### Дронлар ўзимизда ишлаб чиқарилади

Олимларнинг таъкидлашича, учувчисиз учиш аппаратлари хавфсиз техника воситалари сирасига киради. Уларнинг пайдо бўлиши ўтган асрнинг охирги чоракларига бориб тақалса-да, оммалашиши замонавий технологиялар ривожи билан бирга кечди. Яъни вақт ўтгани сари масофадан бошқариладиган учар қурилмалар такомиллашиб, ҳажми кичрайиб бориши билан АҚШ ва Европа давлатларида уларга қизиқиш ортди. Аксар мамлакатларда шундай



қурилмаларни ишлаб чиқариш фаоллашиб, дронларнинг тури ҳам кенгайиб борди.

Ҳозирги кунда учувчисиз учиш аппаратлари асосан 4 гуруҳ — мультикоптер, самолёт, вертолёт, гибрид турдаги қурилмаларга ажратилади. Буларнинг ҳар бири яна алоҳида турларга бўлинади. Вазифалари деярли ўхшаш бўлса-да, ҳажм, дизайн жиҳатдан бир-биридан фарқланади.

Юртимиз ҳудудида асосан дронларнинг мультикоптер гуруҳига кирувчи квадрокоптер тури кенг тарқалган. Ихчам ҳажми, оператор бошқарувининг қулайлиги, оптималлашган конструкция ва дизайни, аэродинамик қаршиликни тўғри тақсимлаш каби қулайликлари боис, аэротасвир ва турли видеокузатувлар жараёнларида фойдаланилади. Қолаверса, саноатнинг кўп тармоқларида ҳам шу турдаги дронлар қўлланилади.

Ҳозир юртимизда ерларни хатловдан ўтказиш ишлари фаол кечяпти. Ҳар бир ҳудуднинг ер майдонлари, чегаралари, объектларини суратга олиш талаб этилади. Бунда одатда самолёт ва вертолётлардан фойдаланилади. Аммо сўнгги йилларда мамлакатимиз кадастр, геодезия тизимида дронлар кенг қўлланила бошлади. Улар ёрдамида аэрофототасвирлар олинади, картографик ва топографик электрон хариталар тузилади, бунинг учун зарур бўладиган ер ўлчамлари юқори аниқликда олинади. Бу ер юзасини самолётда аэрофототасвирга олишга нисбатан анча камхаражат, хавфсиз ва юқори сифатли усул бўлиб, бошқа учиш воситаларидан фарқли ўлароқ, атмосферага ҳеч қандай зарарли таъсир кўрсатмайди. Гап шундаки, дронлар электродвигателларда ҳаракатлангани боис, ўзидан заҳарли газлар чиқармайди. Ўз-ўзидан, глобал исиш ва азон қатлами емирилишига ҳам сабаб бўлмайди.

Ерни масофадан туриб зондлашда дронлар ер участкасидаги ўзгаришларни қисқа вақтда аниқлаб беради. Шу тарзда олинган маълумотлар дастурий таъминотда қайта ишланиб, рақамли ортофотопланлар шаклига келтирилади. Ортофотоплан аниқ геодезик асосда олинган аэро ёки космик суратлар орқали яратиладиган рақамли хариталар асоси ҳисобланади. Ундан жамики ер устидаги объектлар тўғрисидаги маълумотлар жой олади. Ортофотопланлар асосида эса топографик хариталар яратилади. Бу хариталарда геодезик пунктлар, рельеф, гидрография, ўсимлик, тупроқ, иқтисодий ва маданий объектлар, йўллар, алоқа, чегаралар, умуман, жамики ер объектлари тўғрисидаги маълумотлар қайд этилади.

Дронлар моделига кўра, такомиллашиб бораверади. Энг замонавий ўзи учар қурилмалар одатда автоматик учиш ва қўниш, белгиланган нуқталарни учиб ўтиш, мўлжал олишни интеллектуал бошқариш, парвоз нуқтасига қайтиш, чекланган жойлар тўғрисида огоҳлантириш каби функцияларга эга. Улар Android ва iOS операцион тизимларини қўллаб-қувватлайди, ГЛОНАСС ва GPS навигация тизимида ишлайди. Юртимизда фойдаланиладиган дронлар вазифасига кўра, 20 дақиқадан 2,5 соатгача, жойлашувига қараб 30 километр масофага парвозни амалга оширади.

Ҳар соҳада дронларга бўлган талаб ортиб бораётгани боис, Геоинновация марказида ушбу қурилмани маҳаллийлаштириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, гибрид, мультикоптер турдаги дронларни ишлаб чиқариш, уларнинг аккумуляторларини қувватлаш ва оптималлаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари давом этяпти.

Ҳозирги вақтда юртимизга учувчисиз учиш аппаратлари, асосан, Хитойдан импорт қилинади. Аммо улар анча қиммат бўлгани боис, қурилмани ўзимизда ишлаб чиқариш самаралироқ. Шу мақсадда Геоинновация маркази ва Хитойнинг MMC компанияси ҳамкорлигида Тошкент шаҳрида “BsharkUZ” қўшма корхонаси ташкил этилган. Унда турли дронлар ишлаб чиқарилади. Масалан, гексокоптер турига кирувчи дронлар аэрофотосурат ва видеосурат олиш, 10 килограммгача фойдали юк ташишга мўлжалланган. Бир мартада 90 дақиқагача, соатига эса 80 километргача уча олади. Қурилманинг максимал оғирлиги 15 килограмм.

Корхонада мультикоптер турига кирувчи дрон ишлаб чиқарилиб, синов парвози ҳам бажарилди. Ҳозир парвоз давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ҳамда қурилмани янада такомиллаштириш ишлари олиб бориляпти. Шу билан бирга, гибрид турдаги ҳамда ўт ўчириш амалиётини амалга оширувчи учувчисиз учиш аппаратларини ишлаб чиқариш лойиҳалари ҳам амалга ошириляпти. Барча синов парвозлари муваффақиятли ўтгач, қурилмаларни серияли ишлаб чиқариш бошланади.

Умуман, дронлар барча соҳаларда тезкор, камхаражат қурилма сифатида асқатади. Уни маҳаллий шароитда ишлаб чиқариш эса тармоқларни рақамлаштириш жараёнларини янада тезлаштиради.

---

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

# Дон ЧИҚИНДИЛАРИДАН ФОЙДАЛИ ОЗУҚА

**Соҳиба МУЛЛАЕВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири**

**2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида чорвачилик озуқа базасини кенгайтириш ва ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5-2 баравар кўпайтириш вазифаси белгиланган. Бунга эришишда чорва бош сонини кўпайтириш ва маҳсулдорлигини ошириш, наслчиликни яхшилаш, озуқа етиштириладиган майдонларни кенгайтириш муҳим ҳисобланади. Шу билан бирга, чорвачилик ривожи соҳага замонавий стартап лойиҳалар, илғор технологияларни татбиқ қилишни ҳам тақозо этади.**



**ГРАНУЛА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЧОРВАЧИЛИК ЙЎНАЛИШИДАГИ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ҲАМ ЙЎЛГА ҚЎЙСА БЎЛАДИ. ЧУНКИ ФЕРМЕРЛАРДА ҲАР ДОИМ ХОМАШЁ БЎЛАДИ. АСОСИЙСИ, ШУНЧАКИ ЧИҚИТ СИФАТИДА ТАШЛАБ ЮБОРИЛАЁТГАН ХОМАШЁДАН ОЗУҚА ЕМ ТАЙЁРЛАШ ОРҚАЛИ ХЎЖАЛИКНИНГ ШУ МАҲСУЛОТГА САРФЛАНАЁТГАН ХАРАЖАТИ ТЕЖАЛАДИ. ҚОЛАВЕРСА, ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛИБ, ИШСИЗ АҲОЛИНИ ДОИМИЙ ДАРОМАД МАНБАИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ИМКОНИ ЯРАТИЛАДИ.**

Озуқа экинлари илмий-тажриба станциясида ҳар йили маккажўхори, оқ жўхори, хашаки лавлаги, тритикале, арпа, хашаки нўхат, сули каби озуқа экинлари уруғларини ситиб олиш, саралаш, тозалаш натижасида 45-50 тонна атрофида дон чиқиндилари чиқади. Одатда, ушбу чиқиндилар атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатмаслиги учун фақатгина зарарсизлантирилган, холос. Ваҳоланки, уларни қайта ишлаш орқали тайёр чорва озуқаси олиш мумкин. Шу боис, “Озуқабоп экинлар нав ва дурагайлари чиқиндиларидан гранула ишлаб чиқариш” стартап лойиҳаси маҳаллий хомашёдан (дон, поя чиқиндилари) фойдаланган ҳолда, аҳоли чорваси учун тўйимли, сифатли, таннархи арзон донадор ем (гранула) ишлаб чиқаришга йўналтирилгани билан аҳамиятли.

2019 йилда Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан лойиҳага қарийб 103 миллион сўм ажратилиб, 5 та иш ўрни яратилган.

Гранулаланган емнинг оддийсига нисбатан афзаллиги шундаки, унинг таркибида барча керакли моддалар мавжуд, сочилмайди, қуруқ жойда сақланса, сифатини йўқотмайди, қолаверса, сақлашда катта жой талаб қилинмайди, узоқ масофаларга ташишда қийинчиликлар туғдирмайди. Шунингдек, битта чорва ҳайвонининг бир кунлик озуқа рационидан келиб чиқиб, бир йилга қанча ем кераклигини аниқ ҳисоб-китоб қилиш мумкин.

— Маҳаллий шароитда юртдошларимиз чорваларини, асосан, бир хил озуқа — буғдой кепаги, сомон ёки хашак билан боқади, — дейди лойиҳа раҳбари, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори Қобулжон Азизов. — Стартап лойиҳамиз доирасида эса чорва озуқасига 12 хил хомашё қўшилади. Бунда чорва, парранда ёки балиқ тури, ёши, бериладиган маҳсулот туридан келиб чиққан ҳолда рационлар тузилиб, шу асосда озуқа ем тайёрланади. Озуқа ем 6, 8, 10 миллиметр ўлчамда гранула шаклида ишлаб чиқарилади ва 20, 50 килограммли полиэтилен қопларга солиниб, аҳоли ва фермер хўжаликларига етказиб берилади. Кичик цехимизда йилига 25-30 тонна атрофида гранула ҳолдаги озуқа емлари тайёрланади. 1 килосининг баҳоси барча харажатлардан келиб чиқиб, 3-4,5 минг сўмни ташкил қилади. Ҳозирги гранула ишлаб чиқарувчи дастгоҳимиз бир оз эски, шу сабабли секин ишлайди, кўп ишчи кучи талаб қилади. Энди асосий режаларимиздан бири замонавий гранула ем ишлаб чиқариш линиясини ўрнатиш, иш ўринларини кўпайтириш ҳамда бошқа вилоятларда ҳам ана шундай цехлар фаолиятини йўлга қўйишдан иборат. Бу ҳудудларда чорва озуқа базасини мустаҳкамлаш, пировардида эса аҳолини арзон ва сифатли гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлашга хизмат қилади.

Гранула ишлаб чиқаришни чорвачилик йўналишидаги фермер хўжаликлари ҳам йўлга қўйса бўлади. Чунки фермерларда ҳар доим хомашё бўлади. Асосийси, шунчаки чиқит сифатида ташлаб юборилаётган хомашёдан озуқа ем тайёрлаш орқали хўжаликнинг шу маҳсулотга сарфланаётган харажати тежалади. Қолаверса, янги иш ўринлари ташкил этилиб, ишсиз аҳолини доимий даромад манбаи билан таъминлаш имкони яратилади.

### Иммунобиологик препаратлар аҳолининг бруцеллёз билан касалланишини камайтиради

Чорвачиликдаги муаммолардан бири ҳайдовда боқиладиган ҳайвонлардан одамларга инфекцион зооантропонозлар (бруцеллёз, туберкулёз, хламидиоз, вирусли касалликлар) юқиши ҳисобланади. Навбатдаги лойиҳа мақсади ана шу касалликларни ташхислаш, даволаш ва иммунобиологик препаратлар ишлаб чиқариб, уларни амалиётга татбиқ этишдан иборат.

— Ривожланган давлатларда ҳам бу касалликларга қарши кураш давом этмоқда, — дейди лойиҳа раҳбари, тиббиёт фанлари доктори, профессор Иброҳим Маматқулов. — Масалан, кўпгина давлатларда бруцеллёзга қарши вакциналар қўлланади. Шунга қарамай, бу касалликнинг одамга юқиши давом этмоқда. АҚШнинг Техас штатида 50 йилдан ортиқ даврда бизон бруцеллёзи билан курашиш давлат дастури татбиқ қилинган. Аммо бруцеллёзга қарши юқори иммуногенлик хусусиятига эга вакцина яратишнинг имкони йўқ. Чунки тўл мавсумида бола ташлаш жараёнида ташқи муҳитга миллиардлаб микроорганизм чиқади, бундай катта оқимдаги микроблар сонига инсоният томонидан 100 йилдан ортиқ даврда яратилган юзлаб вакциналарнинг бирортаси бардош бера олмайди. Стартап лойиҳамизда биз тақдим этган, қўй-эчки бруцеллёзини даволаш ва профилактикаси учун яратилган, дунёда муқобили бўлмаган “Имнамак” препарати 30 кун давомида ҳайвон организмини бруцелладан холи этади. Препарат гўшт-сут маҳсулотлари ва қоракўл ишлаб чиқариш муассасаларида қўлланилиши мумкин. Бу юқори эндемик ҳудудлар (Бухоро, Навоий, Самарканд, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари)да қўй-эчкилар орасида бола ташлаш ҳолатларини 8 мартага, одамларнинг бруцеллёз билан касалланишини эса 84 фоизгача камайтириш имконини беради.

Йирик шохли ҳайвонларда бруцеллёз муаммоси ҳал этилмагани эса яширин бруцеллёз билан боғлиқ. Бу ҳолатда амалиётда қўлланиб келинаётган ташхис воситалари бруцеллёзнинг ушбу шаклини аниқлай олмайди. Лойиҳадан кўзланган асосий вазифа ҳайвонлардаги яширин бруцеллёзни “очувчи”, даволовчи ва профилактик аҳамиятга эга бўлган вакцина ишлаб чиқаришдир.

Лойиҳага Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан 900 миллион сўм ажратилган бўлса, шахсий сармоя миқдори 350 миллион сўмни ташкил этади. Бруцеллёзга қарши препаратларнинг ветеринарияда қўлланилиши ҳайвонларни инфекция манбаси бўлишидан асрайди, ўз навбатида, одамларда касаллик пайдо бўлмайди.

Келгусида эхинококкоз, ичтерлама, сурункали гепатит ва онкологик касалликларга чалинган беморларни самарали даволашга керакли дорилар ишлаб чиқариш мақсад қилинган.

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

# ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАРДАГИ НУФУЗИМИЗ

## юртимизнинг дунёдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлайди



**Низомиддин ҲАЙДАРОВ, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор**

Бошланиши 1-бетда

Энг аввало, мамлакатдаги ислоҳотлар шаффофлиги таъминланади. Иккинчидан, минтақа ва дунёда давлатнинг нуфузи намоён бўлади, учинчидан, дунё ҳамжамиятидаги ўрни ва мавқеи мустаҳкамланиши баробарида аҳолининг мамлакатдаги ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотлардан розилиги ёхуд норозилиги акс этади.

Шунинг учун халқаро рейтинг ва индекслардаги ижобий кўрсаткичлар ҳар бир мамлакатнинг изчил ривожланиш босқичларини ўзида намоён этиб, иқтисодий эркинлиги, инсон камолотини, коррупцияни бартараф этиш, давлат бошқаруви сифати, ҳуқуқ устуворлиги, аҳоли турмуш даражаси, матбуот эркинлиги, инсон ҳуқуқлари муҳофазаси, тадбиркорлик фаолияти ва хорижий инвесторлар учун қулай муҳит, инновация ҳолати, барқарор иқтисодий ўсиш ва рақобатбардошлик каби муҳим жиҳатларнинг кўзгуси ҳисобланади. Бир сўз билан айтганда, халқаро рейтинг ва индексларда изчил ҳамда фаол иштирок этиш давлатлар ўртасида ўзаро рақобатни кучайтиради.

### Тизимли ишлашнинг янги механизми

Мамлакатимиз ўтган давр мобайнида айрим халқаро рейтинг ва индексларда иштирок этиб келган, албатта. Лекин бу борада тизимли ва илмий асосланган ёндашувга хизмат қиладиган меъёрий ҳужжатлар йўқ эди. Шу боис, халқаро рейтингларда иштирокимиз палапартиш ва тартибсиз бўлиб, дунё ҳамжамияти ичида аксарият соҳаларда ўрта ёки охирги ўринлардан бирини эгаллаб келаётган эдик. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг кейинги йиллардаги изчил ислоҳотларини тўла намоён эта олмаётган эди.

Президентимизнинг 2019 йил 7 мартдаги "Халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилашга оид чора-тадбирларни тизимлаштириш тўғрисида"ги фармони ана шу бўшлиқни тўлдирувчи ва келажакка замин яратувчи дастлабки норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўлди. Унинг ижроси ислоҳотлар натижасини намоён қиладиган ва масъул бўлган бир қатор вазирлик ҳамда ташкилотларда халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш жараёнини жадаллаштириб юборди.

Таҳлиллар кўзланган мақсадга эришиш учун ҳали анча вақт, куч кераклиги, қолаверса, қўшимча меъёрий хужжатлар қабул қилиш зарурати мавжудлигини кўрсатди. Президентимизнинг 2020 йил 2 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида"ги фармони соҳаларда тўсиқ бўлаётган омилларни бартараф этиш, бу борадаги ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга хизмат қилди.

Фармонда бир қатор халқаро рейтингларда мамлакатимиз кўрсаткичлари сезиларли юқорилаганига қарамай, айрим раҳбарлар рейтинглар билан ишлашга етарлича эътибор қаратмаётгани ва халқаро ташкилотлар томонидан ўтказилаётган сўровларда аксарият ислоҳотлар ўз аксини топмаётгани оқибатида устувор халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон қуйи поғоналарда қолаётгани қайд этилди. Шу боис, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлиги ва халқаро майдондаги имижини мустаҳкамлаш, давлат органлари ва ташкилотларида халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлашнинг янги механизмларини жорий қилиш мақсадида Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши ташкил этилди. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт даражасини тизимли таҳлил қилиб бориш, ўзгаришларнинг халқаро рейтинг ва индексларда мамлакатнинг ўрнини яхшилаш мақсадларига хизмат қилишини таъминлаш унинг пировард мақсади ҳисобланади.



Ушбу ҳужжат билан Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш тизими комиссияси республика кенгаши назорати остига ўтказилди. Сенат раиси кенгашга раҳбарлик қиляпти. Бундан ташқари, кенгаш ишчи органлари сифатида Молия ва Адлия вазирликлари белгиланган. Улар мос равишда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий рейтинглар бўйича иш олиб боряпти. Бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий соҳанинг 14 та халқаро йўналишини Молия вазирлиги мувофиқлаштираётган бўлса, бешта сиёсий-ҳуқуқий халқаро рейтингни Адлия вазирлиги мониторинг қилиб бормоқда.

Қабул қилинган меъёрий ҳужжатларнинг ҳаётга татбиқ этилиши қисқа муддатларда ўз самарасини бера бошлади. Хусусан, глобал инновациялар индексида Ўзбекистон 2021 йилда 7 поғонага кўтарилиб, 132 та давлат орасида 86-ўринни эгаллади ва энг тез юқорилаган мамлакатлар топ-10 талигига кирди. Transparency International халқаро ташкилотининг 2021 йил учун Коррупцияни қабул қилиш индексида Ўзбекистон ўз ўрнини 6 поғона яхшилаб, 180 та давлат ичида 140-ўринни эгаллади. Шунингдек, Жаҳон мамлакатлари демократияси индексининг 2021 йил якунлари бўйича эълон қилинган рейтингида Ўзбекистон ўз позициясини 5 поғонага яхшилаб, 150-ўринга кўтарилди.

### Мезон — топ-1000

Мамлакатимизда олий таълим тизимини изчил ривожлантириш ва давр талабидан келиб чиққан ҳолда, халқаро меҳнат тақсимоти талабларига жавоб берадиган малакали кадрлар тайёрлаш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармонидан пировард мақсад миллий олий ўқув даргоҳларининг нуфузли хорижий рейтингларда юқори ўринларни эгаллаши ҳисобланади. Бунинг учун улар фаолиятида халқаро тажрибани кўпроқ қўллаб, илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланишга кенгроқ имкониятлар яратиши, шу асосда камида 10 та олий таълим муассасаси халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds(QS) World University Rankings, Times Higher Education(THE) ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи мингталик ўрнидан жой олиши белгиланган. Шундан иккитаси рейтингда биринчи 500 таликдан ўрин олиши зарур. Бу кўрсаткич 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси 47-мақсадида ҳам қайд этилган ва 2026 йилга қадар 10 та салоҳиятли олий таълим муассасасини QS ва THE халқаро рейтингларига киришга мақсадли тайёрлаш вазифаси қўйилган.

Ҳозирги кунга келиб, 10 та салоҳиятли олийгоҳ танлаб олиниб, манзилли ва мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Халқаро рейтингни баҳоловчи ташкилотлар раҳбарлари билан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги масъул ходимларининг ўзаро манфаатли учрашувлари тизимли ва изчил давом этмоқда.

Юқорида қайд этилганидек, мамлакатда 10 та олий таълим муассасаси танлаб олинган. Бироқ бу халқаро рейтингда фақат шулар иштирок этади, дегани эмас, албатта. Ушбу илмий-ижодий рақобат мусобақасида Ўзбекистондаги мулкчилик шакли ва идоравий бўйсунишидан қатъи назар, ҳар қандай ОТМ иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Олий таълим муассасаларининг нуфузли халқаро рейтинги ҳисобланган Times Higher Education ўзининг 2022 йил учун Impact рейтинги (THE Impact Rankings 2022) натижаларини эълон қилди. Жорий йилда илк бор юртимизнинг 30 та олий таълим муассасаси ушбу рейтингдан ўрин эгаллади. Агар 2021 йилда унга 10 та олий таълим муассасаси кирган ва 94 та давлатдан мингга яқин олий таълим муассасаси иштирок этган бўлса, 2022 йилда 110 та мамлакатдан 1500 дан ортиқ ОТМ қатнашди.

10 та олий таълим муассасасимиз Asia University Rankings — 2022 халқаро рейтингида "Reporter", яъни даъвогар университетлар номинациясига эга бўлди. Бу ҳақда Буюк Британиянинг нуфузли рейтинг ташкилоти — Times Higher Education Asia University Rankings — 2022 (Осиё университетлар рейтинги — 2022) рейтинг натижаларида эълон қилинди. Мазкур мезон бўйича ҳар йили Осиё давлатларидаги университетларнинг тадқиқот, таълим сифати, халқаро хилма-хиллик, иқтибослик ва саноат даромади ҳамда билимлар алмашиши бўйича дунёдаги ўрни баҳоланади.

Қолаверса, мамлакатимиз олийгоҳларидан алоҳида-алоҳида фанлар ёки мутахассисликлар дунё рейтингида биринчи 500 таликка кирганлар бор. Хусусан, QS рейтинг агентлиги Ўзбекистон Миллий университети математика соҳаси бўйича ТОП-500 таликдан ўрин олганини, яна 4 та ОТМ бунга ҳаракат қилаётганини эътироф этгани қувонарли ҳол.

Объектив ва шаффоф баҳолаб бориш, олий таълим муассасаларининг халқаро тан олинган рейтингларда ўрин олишларига кўмаклашиш мақсадида миллий рейтинг тизими (reyting.tdi.uz/school/) жорий этилган.

Миллий рейтинг тизимидаги баҳолаш индикаторлари дунёнинг етакчи халқаро агентликлари мезонларидан намуна олган ҳолда Times Higher Education, QS ва Elsevier каби нуфузли ташкилотлар экспертлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган. Бу йилги миллий ОТМлар рейтинги август ойида эълон қилинишини режалаштирилмоқда.

Амалга оширилаётган барча саъй-ҳаракатлар, мамлакатнинг халқаро рейтинг ва индексларда юқори самарага эришиши юртимизда инсон қадрини улуғлаш, одамларнинг ҳаётдан рози ва мамнун бўлиб яшашини таъминлашга хизмат қилиши билан алоҳида аҳамият касб этади.

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН



# ДАВЛАТ ТИББИЙ СУҒУРТАСИ

## адолат ва шаффофлик тамойилларига амал қилинади

**Мамлакатимизда аҳолига юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишда ошкоралик, адолат ва шаффофлик тамойиллари асосида замонавий талабларга жавоб берадиган самарали тизим яратилмоқда. Бу борада давлатимиз раҳбарининг ўтган йил 28 июлдаги "Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда.**



**Фаррух ШАРИПОВ, Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ижро этувчи директори**

Ушбу меъёрий ҳужжатга кўра, ўтган йилнинг 1 октябридан давлат бюджети маблағлари ҳисобидан имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни электрон ахборот тармоғи орқали ҳисобга олиш ва навбат асосида даволанишга йўллаш тизимига 14 та тиббиёт муассасаси ўтказилди. Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази, Академик Ё.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ва Болалар миллий тиббиёт маркази шулар жумласидан.

Мазкур ихтисослаштирилган тиббиёт муассасаларида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга квота асосида ордер бериш тартиби бекор қилинди. Унинг ўрнига халқаро тажриба — молиялаштиришнинг янги механизми асосида беморларни ҳисобга олиш ва навбат асосида даволанишга йўллашнинг электрон ахборот тизими жорий этилди. Бу жараёнда имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни ихтисослаштирилган муассасаларга даволаниш учун йўллашда касалликнинг оғирлик даражасига кўра, ахборот тизими орқали навбатда туришнинг шаффоф механизмлари амалиётга татбиқ этилди. Шу тариқа беморларга ўзининг сўрови, мурожаати ҳамда навбати ҳақидаги ахборотни олиш имкони яратилди.

Айни вақтда эса беморларга уларнинг касаллигига мувофиқ ихтисослаштирилган муассасаларда даволанишни таъминлайдиган йўлланмалар берилмоқда. Ушбу йўлланма ахборот тизимида автоматик тарзда шакллантирилади. Бемор давлат ёки нодавлат тиббиёт ташкилотида тиббий хизматлардан фойдаланишни ўзи ихтиёрий танлай олади.

Бу жараёнда Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ўзига хос ўрин тутади. Бемор жамғарма билан шартнома тузган тиббиёт муассасасида даволангач, мазкур муассасага беморга кўрсатилган тиббий хизматларни асословчи ҳужжатларга кўра, базавий нархлар доирасида сарфланган маблағ бюджет ҳисобидан тўлиқ тўлаб берилади.

Тизимда кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада ошириш, аҳолига қулайлик яратиш мақсадида 52 та ҳудудий тиббиёт муассасаси билан ҳам ҳамкорлик шартномаси тузилган. Шу тариқа уларда ҳам молиялаштиришнинг янги механизми йўлга қўйилди ва бу орқали беморларнинг ўз яшаш ҳудудида юқори технологик тиббий ёрдам олиши учун зарур шароит яратилди. Бундай имтиёзлардан унумли фойдаланган беморларнинг вақти ва маблағи тежалмоқда. Энг муҳими, уларнинг пойтахтга келиб, овора бўлишининг олди олинмоқда.

Имтиёзли тоифага кирувчи шахслар тиббий хизматлардан фойдаланиш учун Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси билан шартномаси мавжуд давлат ёки нодавлат тиббиёт ташкилотлари орасидан ўзига маъқулини эркин танлаш ҳуқуқига эга. Нодавлат тиббиёт ташкилотлари кўрсатадиган тиббий хизматлар учун қўйиладиган талаблар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган.

Яхши янгиликлардан яна бири шуки, ҳозир Қашқадарё ва Фарғона вилоятларида жойлашган ўнга яқин нодавлат тиббиёт ташкилотлари билан шартнома тузилган. Келгусида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тавсиясига кўра, бошқа ҳудудлардаги нодавлат тиббиёт муассасалари билан ҳам шартномалар тузиш кўзда тутилган. Бундай муассасаларнинг имтиёзли тоифага кирувчи беморларга кўрсатган юқори технологик тиббий ёрдами харажатларини Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси қоплаб беради.

Бу ўзгаришлардан кўзланган асосий мақсад инсон қадрини улуғлаш, юртимизда яшаётган ҳар бир одамнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлашдир. Зеро, сўнгги йилларда юртимизда амалга оширилган ислоҳотлар замирида инсон саломатлиги асосий ўринни эгаллайди. Аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш, ёшларни олий тиббий таълимга қамраб олиш, ёш мутахассислар учун шароит яратиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, бир сўз билан айтганда, халқни рози қилиш ислоҳотлар мазмунидир.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ

**Давлатимиз раҳбари раислигида шу йил 4 март куни олий ўқув юртлари талабалари бандлигини таъминлаш бўйича устувор вазифаларга бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш ҳамда уларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, соҳада қилиниши зарур бўлган вазифалар белгилаб берилди.**

# МАГИСТРАНТЛАР ГЕРМАНИЯДА АМАЛИЁТ ЎТАЯПТИ



— Президентимизнинг талабалар бандлигини таъминлаш борасида берган топшириғи ижроси бўйича олийгоҳимизда мавжуд бўш иш ўринлари ҳамда илмий ва стартап лойиҳаларга 60 дан ортиқ магистрантни ишга қабул қилдик, — дейди Тошкент давлат аграр университети Самарқанд филиали директори Шавкат Ҳасанов. — Филиалнинг 9 магистранти Германиянинг қишлоқ хўжалиги экинлари етиштирувчи ҳамда қайта ишловчи етакчи кластерларига иш ҳақи тўланадиган 3 ва 6 ойлик стажировкага юборилган. Стажировкалар юртимизда нисбатан янги тармоқ бўлган ва кадрлар танқислиги мавжуд доривор экинларни етиштириш, қайта ишлаш ҳамда гулчилик соҳалари бўйича амалга оширилмоқда.

— Давлатимиз раҳбари видеоселектор йиғилиши ўтказганидан сўнг олийгоҳимизда ҳам катта ўзгаришлар кузатилди, — дейди филиалнинг 2-курс магистранти, фарғоналик Мирмуҳсин Нуралиев. — Олий ўқув юртида ёшларнинг илм билан шуғулланиши ва хорижий тилларни ўрганиши учун яратилган шароитлар туфайли кўплаб тенгдошларимиз дунёнинг ривожланган мамлакатларида ҳақ тўланадиган илмий стажировкалар ўтамоқда. Жумладан, мен ҳам айни пайтда Германия давлатида JD East дастури орқали ташкил этилган 6 ойлик қишлоқ хўжалиги амалиёти билан бандман. Амалиётни Германиянинг яшил юраги номи билан дунёга машҳур Тюринген федерал ҳудудида жойлашган "Fuß Hopfenbau" агрокластерида курсдошларим Ҳаётжон Абдуллаев, Достон Бердимуродов ва Соҳибжон Ниёзов билан бирга олиб боряпмиз. Hopfen ёки қулмоқ (хмель) ўсимлиги дунёда кам тарқалган, кўп йиллик доривор ва техник ўсимликдир. Биз стажировка ўтаётган фермер хўжалигида ушбу ўсимлик 200 гектардан зиёд майдонда етиштирилмоқда. Уни етиштириш агротехникаси, яъни экинни парваришлаш, сув тежовчи технологиялар ёрдамида суғориш, касаллик ҳамда зараркунандалардан ҳимоя қилиш, ҳосилни йиғиш, қадоқлаш каби жараёнларни ўрганиб, малака оширяпмиз. Амалиётдан қайтгандан сўнг бу ерда олган билимимизни юртимиз қишлоқ хўжалиги ривожи учун қўллаймиз.

— Биз айни дамда Германияга ҳақ тўланувчи ёзги 3 ойлик амалиёт ўташ учун келганмиз, — дейди филиалнинг 1-курс магистранти Сайёд Сайфиев. — Дюссельдорф шаҳрида жойлашган, гулчилик ва боғдорчиликка ихтисослашган "Becker Gartenbau" хўжалигида курсдошим Элёр Нортошев билан бирга тажриба ва билимимизни оширяпмиз. Ушбу хўжаликда ҳозир гулнинг 100 дан ортиқ тури етиштирилиб, парваришланмоқда. Улар бутун Европа бўйлаб экспорт қилинади. Айниқса, лавандани етиштириш ва парваришлаш бизда катта қизиқиш уйғотди. Бу экинни етиштиришга европаликлар жуда катта эътибор қаратади. У кўпчиликни ўзига жалб қилади, шунинг учун табиий санъат асари даражасида қадрланади. Хўжаликда бу каби гулли ўсимликларни етиштириш билан бир қаторда уларнинг маркетинги билан ҳам қизиқиб, гул бозорини ўрганмоқдамиз. Албатта, ушбу ўрганганларимиз келгусида халқаро тажрибага эга, етук мутахассис бўлишимизда ўз самарасини беради, деган умиддамиз.

Президентимизнинг 2021 йил 4 августдаги "Республика ҳудудларида гулчилик ва кўчатчилик соҳаларини янада ривожлантириш тўғрисида"ги қарори билан 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб қишлоқ хўжалиги йўналишидаги олий таълим муассасаларида гулчилик магистратура мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилиши белгиланган бўлиб, янги ўқув йилидан филиалда ҳам гулчилик бўйича магистрлар тайёрланиши режалаштирилган.

Халқаро даражадаги илм-фан ютуқларини мукаммал ўзлаштирган ва уни соҳага қўллай оладиган рақобатбардош кадрлар барча соҳада бўлгани каби қишлоқ хўжалиги тараққиётида ҳам ўз самарасини беради.

**Хуршида ЭРНАЗАРОВА, журналист**



АРАФА

# ЮРТИМИЗДАГИ ТОТУВЛИК ВА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК БОШҚАЛАРГА ИБРАТДИР



**Улуғбек ЖЎРАЕВ,**
**Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходими**

**Ўзбекистонда азалдан турли динларга эътиқод қилувчи халқлар тинч-тотув яшаб келган. Айниқса, кейинги йилларда халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган бағрикенглик анъанаси давлат томонидан қўллаб-қувватланиб, уни янада ривожлантиришга шароит яратиб берилаётгани эътиборга моликдир. Хусусан, Ўзбекистонда фуқароларнинг виждон ва диний эркинлиги соҳасидаги конституцион ҳуқуқларини таъминлаш, жамиятда диний бағрикенглик ва динлараро дўстлик-ҳамкорлик ғояларини мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.**

Бугунги кунда Ўзбекистонда 16 та диний конфессияга мансуб 2333 та диний ташкилот (2142 та исломий, 174 та христиан диний ташкилоти, 8 та яҳудий диний жамоаси, 6 та баҳоий жамоалар, 1 та кришнани англаш жамияти, 1 та буддавийлар ибодатхонаси ва 1 та Ўзбекистон Библия жамияти) фаолият юритмоқда. Республикада фаолият олиб бораётган турли диний конфессиялар фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Президентимизнинг 2018 йил 16 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Дин ишлари бўйича қўмита ҳузуридаги Конфессиялар ишлари кенгашининг янги таркиби тасдиқланди. Унинг таркибига мамлакатимиздаги барча конфессия вакиллари киритилди.

Конфессиялар ишлари кенгаши йиғилишларида юртимизда мавжуд динлараро бағрикенгликнинг мустаҳкамланиши, диний ташкилотларнинг амалдаги қонунчилик нормаларига асосланган ҳолда фаолият олиб бориши, юзага келаётган муаммо ва масалаларнинг белгиланган тартибда ҳал этилиши каби масалалар муҳокама қилинади.

Маълумки, 2021 йил 5 июль куни Ўзбекистон Республикасининг "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонуни янги таҳрирда қабул қилинди. Қонуннинг қабул қилиниши тарихий воқеа бўлди. Сабаби, мазкур Қонунда тарихан шаклланган анъана, урф-одат ва қадриятларни инобатга олган ҳолда, Европа Кенгашининг Венеция комиссияси, ЕХҲТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси каби нуфузли халқаро тузилмалар экспертлари томонидан берилган тавсиялар ҳам ўз аксини топган. Қонун бир нечта муҳим янгилик ва ҳуқуқий асосни қўллаш амалиётини такомиллаштиришни ўз ичига олди. Хусусан, маҳаллий диний ташкилотлар, жумладан, масжидлар ва бошқа конфессияларнинг ибодатхоналарини ташкил этиш бўйича ташаббускор фуқаролар сони икки баробар камайтирилиб, 50 нафардан кам бўлмаган ҳолда белгиланди. Шунингдек, диний ташкилотнинг марказий бошқарув органи ва диний таълим муассасаларини тузиш учун ҳам 100 нафар ташаббускор бўлиши ҳақидаги талаб бекор қилинди.

Диний ташкилотни давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ хизматлар тўлиқ электрон шаклда, инсон омилисиз амалга оширилиши жорий этилди. Рўйхатдан ўтказувчи адлия идораларига тақдим этиладиган ҳужжатлар сони кескин қисқарди, уларни кўриб чиқиш муддати эса 3 баробар камайиб, 3 ойдан 1 ойга туширилди. Бу билан ортиқча бюрократик тўсиқлар бартараф этилди.

Қонуннинг 23-моддасида диний ташкилотни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш асослари белгиланиб, унда кўрсатилмаган асосларга кўра, рад этишга йўл қўйилмаслиги таъминланди.

Шу билан бирга, диний ташкилотнинг фаолиятини тўхтатиб қўйиш ва тугатиш фақатгина суд орқали бўлиши, рўйхатдан ўтказадиган ва бошқа давлат органлари бунга ҳақли эмаслиги, мансабдор шахсларнинг муайян диний ташкилот қонуний манфаатларини бузувчи хатти-ҳаракатлари устидан судга мурожаат қилинганда диний ташкилот давлат божини тўлашдан озод этилиши каби қўшимча кафолатлар назарда тутилди.

Бундан ташқари, амалдаги қонунчилик ҳужжатларида "ибодат либоси" тушунчасининг ҳуқуқий таърифи мавжуд эмаслиги сабабли жамоат жойларида ибодат либосида юришга тақиқ қонундан чиқариб ташланди.

2017-2021 йилларда диний таълим тизими ҳам тубдан такомиллаштирилди, янгидан-янги таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари фаолияти йўлга қўйилди.

Ҳозирги кунда республикамизда дунёвий ва диний илмларни пухта эгаллаган етук мутахассисларни тайёрлашга ихтисослашган Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Тошкент ислом институти, Мир Араб олий мадрасаси, Ҳадис илми мактаби, 10 та ўрта махсус ислом билим юрти ҳамда православ ва протестант семинариялари фаолият юритмоқда. Олий ва ўрта махсус ислом билим юртларида 2300 дан зиёд ёш билим олмоқда. Уларга 210 нафар педагог дарс беради.

Бундан ташқари, ҳудудларда махсус илмий мактаблар ҳам ташкил этилган бўлиб, уларда ислом дини таълимотлари ўрганилади, жумладан, Фарғонада "Фиқҳ", Самарқандда "Калом" ва "Ҳадис", Қашқадарёда "Ақида", Бухорода "Тасаввуф" мактаблари ўз тингловчиларига эга.

Шунингдек, юртимизда Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий каби буюк алломаларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишга мўлжалланган илмий-тадқиқот марказлари ҳам фаолият олиб бормоқда.

Фуқароларнинг Қуръони каримни ўрганиши юзасидан хоҳиш-истаклари ва эҳтиёжларини қондириш мақсадида диний таълим муассасалари, илмий мактаблар ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг айрим вилоят вакилликлари қошида, шунингдек, Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази ҳамда Ўзбекистон халқаро ислом академиясида "Қуръони карим ва тажвид" курслари фаолияти йўлга қўйилди. Мазкур курсларни ҳозирги кунга қадар 24 мингдан ортиқ тингловчи тамомлади.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, мустақиллик йилларида жами 300 мингдан зиёд юртдошларимиз Саудия Арабистонига Ҳаж ва Умра зиёратларига, шунингдек, деярли 3 мингга яқин фуқаро Исроил, Россия, Грузия, Туркия каби давлатларда жойлашган муқаддас масканларни зиёрат қилишга муяссар бўлди. 2022 йилги Ҳаж мавсумида эса тарихда илк бор Ўзбекистондан 12 мингга яқин зиёратчи муқаддас Макка ва Мадина шаҳарларига боришга мушарраф бўлди.

Шу билан бирга, Президентимиз ташаббуси билан минглаб маҳкумларнинг афв этилиши, фуқароларнинг турли рўйхатлардан чиқарилиши, "Меҳр" операциялари доирасида можароли ҳудудлардан аёллар ва ёш болаларнинг юртимизга олиб келиниши, диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш тартибининг соддалаштирилиши юқори даражадаги ислоҳотлар сифатида экспертлар томонидан эътироф этилди. Қолаверса, Ўзбекистон сўнгги 20 йилда АҚШнинг "Алоҳида ташвиш туғдирадиган давлатлар рўйхати"дан чиқарилган иккинчи мамлакат бўлди.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг ушбу йўналишдаги илғор ташаббуслари халқаро ҳамжамиятнинг олқишига сазовор бўлмоқда. Мисол учун, давлатимиз раҳбарининг таклифига кўра, 2018 йил 12 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 73-сессиясида, ташкилотга аъзо 193 та мамлакат томонидан якдиллик билан қабул қилинган "Маърифат ва диний бағрикенглик" резолюциясини шулар жумласига киритиш мумкин.

Халқаро миқёсда диний бағрикенглик тамойилининг жорий қилинишига яна бир ёрқин мисол сифатида жорий йил 16-20 май кунлари Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида ўтказилган "Декларациялар мулоқоти" халқаро форумини айтиб ўтиш мумкин. Ушбу форум Европа, Осиё, Яқин Шарқ, Африка ва АҚШдан таниқли диний уламолар, илоҳиётчилар, ҳуқуқшунослар, давлат ва жамоат арбобларини бир жойга тўплади. Ўзбекистон томонидан турли конфессиялар вакиллари, илоҳиётчилар, диний уламолар, тегишли вазирлик ва идоралар мутахассислари иштирок этди.

> **ИМОМ АБУ МАНСУР МОТУРУДИЙ ЎЗ ҲИКМАТЛАРИДАН БИРИДА ШУНДАЙ ДЕЙДИ: "АЛЛОҲ ТАОЛО ҚУРЪОНИ КАРИМДА: "ЛИБОСИНГНИ ПОКЛА!" ДЕБ МАРҲАМАТ ҚИЛГАН. ДЕМАК, ИНСОН ҲАҚИҚИЙ ЛИБОСИ — ХУЛҚИ, АМАЛИ ВА ГАП-СЎЗЛАРИНИ ПОКЛАШИ КЕРАК." БУ КАБИ ҲИКМАТЛАРДАН БОХАБАР БЎЛГАН АВЛОД ҚАЙСИ ЖАБҲАДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРМАСИН, ПОК ҚАЛБИ ВА АМАЛИ БИЛАН ЖАМИЯТГА ФОЙДА КЕЛТИРИШИ ШУБҲАСИЗ.**

Мамлакатимиздаги динлараро бағрикенгликни ёритиб берувчи мисоллардан яна бири — бу диний конфессиялар томонидан ўз диний байрамларини эркин нишонлаётганидир.

Ушбу байрамларда диний конфессиялар вакиллари бир-бирларини диний байрамлар билан табриклаши анъанага айланган. Ҳозирда мусулмонлар томонидан икки ҳайит байрами, христианлар томонидан Рождество ва Пасха байрамлари, яҳудийлар томонидан Пейсах ва Ханука байрамлари, баҳоийлар томонидан Наврўз байрами, шунингдек, буддавийлар ва кришначиларга оид диний байрамларнинг кенг нишонланиши ҳам таъминланган.

Давлатимиз раҳбарининг "Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида"ги қарорида ҳам халқимизнинг қадимий ва бетакрор байрамларидан бири бўлган муборак Қурбон ҳайитининг мазмун-моҳиятида мужассам бўлган инсонпарварлик, эзгулик, шукроналик ва меҳр-оқибат сингари анъана ва қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда кенг тарғиб этиш, ушбу улуғ байрамни мамлакатимизда муносиб нишонлаш каби мақсадлар мужассам бўлгани эътиборга моликдир. Айни байрам кунларида юртдошларимиз мўътабар ёдгорлик ва қадамжоларга зиёрат қилади, беморлар ва кексалар ҳолидан хабар олади, эҳтиёжманд инсонларга меҳр ва саховат кўрсатади. Улуғ аждодларимиз ўгитларини ёдга олиб, уларнинг ҳақларига дуолар қилишади.

Имом Абу Мансур Мотурудий ўз ҳикматларидан бирида шундай дейди: "Аллоҳ таоло Қуръони каримда: "Либосингни покла!" деб марҳамат қилган. Демак, инсон ҳақиқий либоси — хулқи, амали ва гап-сўзларини поклаши керак." Бу каби ҳикматлардан бохабар бўлган авлод қайси жабҳада фаолият олиб бормасин, пок қалби ва амали билан жамиятга фойда келтириши шубҳасиз.

Форум жаҳон ҳамжамиятига ўзбек халқининг бой маданий, тарихий, илмий ва маънавий мероси, шунингдек, Ўзбекистоннинг сиёсий-ҳуқуқий, динлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, жамиятда дўстлик ва ўзаро тушуниш муҳитини қўллаб-қувватлаш борасидаги тажрибаси билан танишиш имкониятини берувчи муҳим платформага айланди.

Халқаро форум якунида "Бухоро декларацияси" қабул қилинди. Ушбу ҳужжат аввал қабул қилинган Марокаш (2016), Жакарта (2017), Потомаке (2018), Пунто-дель-Эсте (2018) ва Макка (2019) декларацияларнинг мантиқий давоми бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда диний ташкилот ва диндорлар учун ўз диний анъана ва маросимларини эмин-эркин ўтказиш, диний амалларни бажариш учун барча шароитлар яратилганини алоҳида таъкидлаш мумкин. Бу ҳолатни нафақат юртимиз фуқаролари, балки жаҳоннинг турли мамлакатларидан келадиган меҳмонлар ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам эътироф этмоқда. Шу ўринда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Бош комиссари Зайд аль-Ҳусайннинг қуйидаги сўзларини ёдга солиш кифоя: "Бугунги динлараро ва миллатлараро нотинчлик бўлиб турган таҳликали кунларда Ўзбекистондаги мавжуд динлараро ва миллатлараро тотувлик бошқа давлатлар учун ибрат бўлишга лойиқдир".

ДАВРА СУҲБАТИ

**Бугун глобал дунёдаги муносабатлар, мулоқотлар, келишувлар биргина ахборот, сўз қудрати билан ечим топаётгани сир эмас. Ҳозирги мураккаб шароит, нотинчликлар ва қарама-қаршиликлар ичра журналист ва блогерлар зиммасига янада катта масъулият юкланаётгани ҳам шундан! Қалами ўткир, маҳоратли ижодкор холис ахборотни ўз вақтида истеъмолчиларга етказиб бера олади. Муаммолар ва ташвишларга жанговар қуроли — ҳақ сўзи ва теран нигоҳи билан дадил кира олади.**




# ГЛОБАЛ МАЙДОНДАГИ СЎЗ ВА УНИНГ ҲАЁТБАХШ ҚУДРАТИ

## ёхуд янги қарор ижод аҳлига кўтаринки кайфият бағишламоқда

**Мухтасар ТОЖИМАМАТОВА,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

Хўш, бугунги кунда Янги Ўзбекистонда шаклланаётган, тобланаётган янги журналистика, янги матбуот ва янги журналистлар авлоди жамият кўндаланг қўяётган муаммоларнинг оқилона ечимини топишда қандай фаолият олиб бормоқда? Журналистларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, уларнинг фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, кадрлар салоҳияти ва рақобатбардошлилигини янада ошириш борасида қандай эзгу ишлар амалга оширилмоқда?

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси томонидан давлатимиз раҳбарининг жорий йил 27 июнда қабул қилинган "Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида фикр алмашишга бағишланган давра суҳбати ташкил этилди. Тадбирда Журналистлар уюшмаси ва унинг қошидаги ижодий кенгашлар масъуллари, босма нашрлар бош муҳаррирлари, журналист кадрлар етиштирувчи олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, талабалар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва блогерлар иштирок этди.

— Ушбу муҳим қарор журналистикамизда тўпланиб қолган бир неча муаммоларни қамраб олгани билан эътиборга молик, — деди Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси Олимжон Ўсаров. — Ушбу қарорга мувофиқ, 2023-2024 йилларда 50 нафар журналист ва таҳририят ходимлари хориж мамлакатларига малака ошириш, тажриба ўрганиш, стажировка ўташ ва нуфузли медиа тадбирларда иштирок этиш учун юборилади. Улар учун хорижлик малакали мутахассислар жалб этилган ҳолда ўқув курслари ташкил этилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, иштирокчилар журналистларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини янада кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси журналистлар ва давлат органлари, жисмоний ва юридик шахслар ўртасида юзага келадиган низоларнинг судгача ҳал этилишига кўмаклашиши, журналистларнинг профессионал фаолиятига тааллуқли жиноят ишлари бўйича иш юритишда уларнинг жамоатчилик ҳимоячилари сифатида қонунда белгиланган тартибда иштирок этиши борасидаги қарор бандларига ҳам тўхталиб ўтишди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги директори Абдусаид Кўчимов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги бошқарма бошлиғи Боҳир Тошхўжаев ҳам қарорда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, фикр-мулоҳазаларини баён этди. Айниқса, Абдусаид Кўчимовнинг мана бу сўзлари тадбир иштирокчиларида кўтаринки кайфият уйғотди:

— Пойтахтимизда жойлашган "Матбуот уйи" сотувга қўйилгани ҳақида хабарлар тарқалганида ушбу маскандаги ижодий муҳитда қаламини чархлаган, устозлар ўгитини олган не-не журналистларнинг кўнгли хира тортган эди. Шу билан биргаликда, обуна, нашрдан тортиб газета ва журналларни тарқатиш жараёнидаги ташвишлар айни кунгача кўплаб ижод аҳлини қийнаб келаётган эди. Мазкур қарор бугунги кунгача тўпланиб қолган кўплаб муаммоларнинг ҳар бирига асосли ечимларни белгилаб бергани билан барчамизни қувонтирди. Эндиликда қарорга кўра, Тошкент шаҳри Миробод тумани Матбуотчилар кўчаси 32-уй манзилида жойлашган "Матбуот уйи" бино ва иншоотлари Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида берилади. Ушбу бинога даврий босма нашрларнинг таҳририятлари ижара ҳақи тўламасдан (коммунал тўловлар ва кўрсатиладиган бошқа хизматлар бундан мустасно) жойлаштирилиши мумкин. Шунингдек, бино ва иншоотлар ҳамда уларга туташ ҳудудда замонавий медиа шаҳарча ташкил этилади.

Қарорда 2023 йилдан бошлаб журналистлар ўртасида ҳар йили анъанавий ўтказиб келинаётган "Олтин қалам" миллий мукофоти учун халқаро танловни демократик тамойиллар асосида янада очиқ ва шаффофлик билан ўтказишга эътибор қаратилиши қайд этилган. "Олтин қалам" миллий мукофоти совриндорлари: бош миллий мукофот учун — автомобиль; биринчи ўрин учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 баравари; иккинчи ўрин учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 175 баравари; учинчи ўрин учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 баравари; 12 та рағбатлантирувчи номинациянинг ҳар бири учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари миқдорида бир марталик пул мукофоти билан тақдирланиши белгиланган.

Тадбир сўнггида оммавий ахборот воситалари ва журналистларни қийнаётган яна кўплаб масалалар муҳокама қилинди. Таклифлар ва мулоҳазалар ўртага ташланди. Ҳамкасбларимиз айни қарор асосида кўзланган вазифалар ижод аҳлига ўзгача шижоат ва кўтаринкилик бағишлаганини таъкидлаб ўтишди.





"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти" ДУК

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-764.
82285 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Авазбек Худойқулов
Мусаҳҳиҳ: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

ЎзА якуни — 22:28 Топширилди — 23:10